

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК

Акрамов Илёржон Иляс ўғли

Хорижий инвестицияларни жалб қилишни давлат томонидан
тартибга солиш усуллари

асослари 5А 231102 – Ташқи иқтисодий фаолият

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: проф. Т.И. Бобокулов

ТОШКЕНТ – 2013

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I БОБ. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	8
1.1. Хорижий инвестицияларнинг назарий асослари	8
1.2. Хорижий инвестицияларнинг асосий турлари	14
1.3. Хорижий инвестицияларни давлат томонидан тартибга солиш усуллари	25
1-боб бўйича хулоса	34
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИ ТАҲЛИЛИ	36
2.1. Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солиш усуллари	36
2.2. Инвестиция фаолиятини молиялаштиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни	42
2.3. Ўзбекистонда хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизими	55
2-боб бўйича хулоса	61
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ	63
3.1. Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни тартибга солишни такомиллаштириш	63
3.2. Инвестицияларнинг тармоқлараро тақсимланишини ривожлантириш чора-тадбирлари	72
3.3. Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилишда хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўналишлари	81
3-боб бўйича хулоса	91
Хулоса ва таклифлар	93
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	100
Иловалар	106

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида миллий иқтисодий модернизациялаштириш ва жаҳон хўжалигига интеграциялашувини таъминлаш кўп жиҳатдан тўғри ва асосланган инвестиция сиёсатига боғлиқ. Мамлакатимизда инвестицион фаолиятни иқтисодий муҳит шарт-шароитларига мувофиқ ривожлантириш, уларни жамият иқтисодий ҳаётининг барча жабҳадаги фаоллигини таъминлаш, миллий ишлаб чиқариш жараёнининг модернизациялашуви ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири бўлиб келмоқда. Шунинг учун ҳам ҳукуратимиз томонидан ҳар йили амалга ошириб келинаётган ислохотларнинг кун тартибидаги асосий манбалардан бири бўлиб, инвестицияларни миллий иқтисодийга жалб қилиш масаласи турибди.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо соҳасидаги янги стратегиясининг асосий йўналишларидан бири хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобланади. Ҳозир Ўзбекистон 47 та давлатлар билан инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш бўйича битимларни имзолаган. Ўзбекистон Республикаси Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро валюта Фонди, Ислом тараққиёт банки каби қатор халқаро молия ташкилотларининг аъзосидир. Республика бир неча халқаро ва минтақавий иқтисодий ташкилотлар билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Мамлакатимизда мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини тезкор ривожлантириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда янги, замонавий, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда яратилган инвестицион муҳитнинг жозибадорлиги натижасида инвесторлар иқтисодийтимизни ривожлантириш учун кўплаб миқдорда сармоя киритмоқдалар.

2012 йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.¹

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида ҳисобот даврида ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Шу борада фақат 2012 йилнинг ўзида умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция объекти қуриб битказилди. Навоий ва Ангрен шаҳарларидаги эркин индустриал-иқтисодий зоналар муваффақиятли фаолият юрита бошлади.

Шу билан бирга мамлакат иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш, инвестициялардан самарали фойдаланиш учун уларнинг йўналиши ва тақсимланишини тўғри ташкил этиш ва тартибга солишни таъминлаш масаласи юзага келади. Бундан кўринадики, ташқи инвестицияларни, шу жумладан чет эл сармоясини кенг кўламда жалб қилишни давлат томонидан тартибга солиш усулларины такомиллаштириш ҳозирги миллий иқтисодиёт таркибини қайта қуриш мақсадларига эришишнинг зарур шарти ва инвестициялар самарадорлигини оширишнинг асосий мезонларидан бири сифатида намоён бўлади. Юқоридаги фикр-мулоҳазалар танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Мавзуни ўрганганлик даражаси. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида, амалий фаолиятнинг турли йўналишларида инвестицияларнинг мақсадлари ва самарадорлиги, уларни давлат томонидан

¹ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

тартибга солиш тизимини ривожлантириш масалалари борасида В.В.Аладин, Уилям Ф.Шарп, Гордон Дж Александр, Джеффри В Бейли, Ж.Фон. Нейман, О.Моргенштерн, Г.Марковиц, Ж.Тобин, В.Шарп, Ф.Модиляни, М.Миллер ва бошқа хорижий олимлар тадқиқотлар олиб борганлар ва ўз асарларида ёритганлар. Ўзбекистонда миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш ва тартибга солиш сиёсатининг асосий йўналишлари ва тамойиллари Президент И.Каримов асарларида назарий-услубий жиҳатдан атрофлича ёритилган. Шунингдек М.Шарифходжаев, С.Ғуломов, А.Расулев, А.Вахобов, И.Ғозибеков, А.Бекмуродов ва бошқа ўзбек олимларининг қатор илмий ишлари инвестиция сиёсатини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалаларига бағишланган.

Магистрлик диссертациясининг мақсади. Тадқиқотнинг асосий мақсади Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицияларни жалб қилиш ва давлат томонидан тартибга солиш усуларини таҳлил қилиш асосида хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Магистрлик диссертациясининг вазифалари. Мавзунинг долзарблиги ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва тартибга солишнинг назарий асосларини ўрганиш;
- Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солиш усуллари таҳлил қилиш;
- инвестиция фаолиятини молиялаштиришда ва иқтисодиётда хорижий инвестицияларнинг ўрнини аниқлаш;
- Ўзбекистонда хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини кўриб чиқиш;
- Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш ва ривожлантириш йўналишлари бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилишни давлат томонидан тартибга солиш жараёнлари ва муносабатлари илмий ишнинг предмети ташкил этади.

Тадқиқотнинг методологик асослари. Тадқиқот давомида тизимли, тизимли-функционал, қиёсий, иқтисодий-статистик таҳлил методлари, шунингдек муаммони микро ва макродаражада ўрганишни ўз ичига олувчи ёндашувлар қўлланилган, башорат ва баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги. Магистрлик диссертация ишининг илмий жиҳатдан янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солиш асослари ва усуллари таҳлил қилинган;
- Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида хорижий инвестицияларни устувор тармоқларга йўналтириш ва эришилган натижалар таҳлил қилинган;
- Ўзбекистонда хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизими кўриб чиқилган;
- Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш ва ривожлантириш йўналишлари бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишда келтирилган назарий ва амалий таклифлар республикамизга чет эл инвестицияларини жалб қилиш, инвестицион фаолиятни самарали ташкил этиш ва тартибга солиш амалиётида қўлланиши мумкин.

Шунингдек, магистрлик диссертацияси материалларидан “Хорижий инвестициялар” , “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш”, «Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви», “Ташқи иқтисодий фаолият” каби фанлардан маъруза матнлари тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациянинг тузилиши ва таркиби. Магистрлик диссертация кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат.

Магистрлик диссертациянинг «ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ» деб номланган биринчи бобида хорижий инвестицияларнинг назарий асослари, асосий турлари ва уларни давлат томонидан тартибга солиш усуллари ўрганилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИ ТАҲЛИЛИ” деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солиш усуллари, инвестиция фаолиятини молиялаштиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни, Ўзбекистонда хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизими таҳлил этилган.

Ишнинг “ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ” номли учинчи бобида Ўзбекистонда хорижий инвестицияларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, инвестицияларнинг тармоқлараро тақсимланишини ривожлантириш чора-тадбирлари, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилишда хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўналишлари кўриб чиқилган.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Магистрлик диссертациянинг хулоса қисмида ўтказилган тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, мавзу бўйича назарий ва амалий аҳамиятга эга хулоса ва таклифлар берилган.

I БОБ. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Хорижий инвестицияларнинг назарий асослари

Ўзбекистон Республикасида инвестиция хусусида қонуний ҳужжатлар 1991 йилдан бошлаб қабул қилинган бўлиб, бугунги кунгача анча такомиллаштирилди. Инвестиция тўғрисида Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунда кўрсатилишича, “инвестиция” бу иқтисодий самара (даромад, фойда) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қоғозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар, асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир. Бу иқтисодий таъриф инвестицияларнинг бозор иқтисодиёти шароитига мос келишини тўлалигича тасдиқлайди.

“Инвестиция” атамаси латин тилида “инвест” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “қўйиш”, “мблағни сафарбар этиш”, “капитал қўйилмаси” маъносини беради. Кенг маънода инвестиция маблағни кўпайтириб, қайтариб олиш мақсадида капитални сафарбар этишни билдиради. Инвестиция деганда барча турдаги миллий ва интеллектуал бойликлар тушунилиб, улар тадбиркорлик фаолияти объектларига йўналтирилиб даромад келтириши ёки бирор-бир ижобий самарага эришиши зарур. Инвестиция киритишдан асосий мақсад даромад олиш ва ижобий ижтимоий самарага эришишдир.

Инвестицияларни назарий услубий жиҳатларига эътибор қаратадиган бўлсак, инвестициялар назарияси ўзининг тарихий ривожланиш жараёнида бир қанча босқичларни босиб ўтди. В.В.Аладиннинг фикрича, инвестицияларнинг дастлабки белгиларини Австрия иқтисодчилари мактабининг илмий ишларида кўриш мумкин.²

² Аладын В.В. Инвестиционная деятельность субъектов Российской Федерации. /В.В. Аладын. -М:Социум, 2002. С.17.

Иқтисодий луғатда “инвестициялар – капитални узок муддатли кўйималар тариқасида саноатга, қишлоқ хўжалигига, транспортга ва бошқа тармоқларга сарф этиладиган харажатлар йиғиндисини акс этирради”³, - деб таърифланган.

Уилям Ф.Шарп, Гордон Дж Александр, Джеффри В Бейли инвестициялар хақида қуйидаги фикрларни билдиради: мумкин қадар кенгрок маънода айтганда “инвестициялар” – бу “қелажақда каттарок фойдага эга бўлиш учун бугунча пулдан ажралишдир”⁴. Муаллифлар, пул маблағларини қўйилмалар сифатидаги – инвестициялар ва бу пуллардан қелажақдаги кўпроқ сумма олиш учун бугун воз кечиш деб қарайди. Бизнингча бундай фикрлаш бир томонлама бўлиб, инвестициялар нафақат пул маблағлари кўринишидаги пул даромадлари бўлиб қолмай балки, бошқа моддий ёки номоддий кўринишларда ҳам бўлиши мумкин. Шунингдек, муаллифлар инвестициялаш ва жамғармалар (савингс) ўртасидаги фарқни кўрсатиб, айтишадики, жамғарма “истеъмолга ажратилган” қийматдир. “Инвестициялаш” тушунчаси қелажақда миллий маҳсулотни кўпайтириш билан боғлиқ реал инвестициялашгача бўлган жараёни ифодалайди.

Иқтисодий категория сифатида инвестиция қуйидагича таснифланади:

- Авайланган (бирламчи жамғарилган) капитални кўпайтириш мақсадида капитални тадбиркорлик объектига жойлаштириш;
- Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида инвестиция фаолияти иштирокчилари ўртасида вужудга қеладиған иқтисодий муносабатлардир.

Инвестиция киритишда:

1. Инвестиция фаолияти субъектларининг мустақиллиги ва ташаббускорлиги;

³ Финансово-кредитный словарь. Т.1. – М.: «Финансы и статистика», 1984.-С.470.

⁴ Шарп У., Александр Г., Бейли Дж. Инвестиция: Пер.с англ. – М.:ИНФРА-М,2003.-XII,С.1.

2. Киритилаётган моддий неъматларга инвестиция мақомини бериш (фуқаро ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун олган буюмлари инвестиция бўла олмайди);

3. Қонун билан белгиланган инвестиция фаолиятини ошириш имконияти яратилиши зарур бўлиб ҳисобланади.

Инвестициялар – бу ҳали буюмлашмаган, лекин ишлаб чиқариш воситаларига қўйилган капиталдир. Ўзининг молиявий шаклига кўра, улар фойда олиш мақсадида хўжалик фаолиятига қўйилган активлар ҳисобланса, иқтисодий хусусиятига кўра, у янги корхоналар қуришга, узоқ муддатли хизмат кўрсатувчи машина ва асбоб ускуналарга ҳамда шу билан боғлиқ бўлган айланма капиталнинг ўзгаришига кетган ҳаражатлардир.

Инвестицияларнинг хусусий сектор ва давлат томонидан мамлакат ичкарасида ва унинг ташқарисида турли ишлаб чиқаришларга ва қимматбаҳо қоғозларга (акция, облигациялар) қўйилиши мумкин.

Инвестицияга кетган ҳаражатлар миқдори икки омилга боғлиқ:

Биринчиси – соф фойданинг қутилаётган меъёри, қайсики уни тадбиркорлар инвестицияга кетган ҳаражатлардан олишни мўлжаллайди;

Иккинчиси фоиз ставкаси ёки тадбиркор реал капитални сотиб олишга зарур бўлган пулга эга бўлиши учун тўлаши лозим бўлган баҳо.

Агар, қутилаётган фойда меъёри фоиз ставкасидан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали ва аксинча, фоиз ставкаси қутилаётган фойда меъёридан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали бўлмай қолади.

Инвестиция ҳаражатлари фойда келтиришини аниқлашда реал фоиз ставкаси ҳисобга олинади. Реал фоиз ставкаси нархлар даражасини ўзгаришини акс эттириб, номинал ставкадан инфляция даражасини айирмаси кўринишида аниқланади. Масалан, номинал фоиз ставкаси 16% га тенг бўлса, инфляция даражаси йилига 12% ташкил этса, унда реал фоиз ставкаси 4% (16%-12%) ташкил этади. Агарда, бу миқдор қутилаётган соф фойда меъёридан паст бўлса, инвестиция ҳаражатлари ўсиб боради.


Инвестиция талабининг эгри чизиғи исталган инвестиция ҳажми (I) ва реал фоиз ставкаси миқдори (r) ўртасида боғлиқлик бўлади. Реал фоиз ставкаси, яъни пул капиталини қарзга олиш баҳоси қанчалик юқори бўлса, инвестициялашни хоҳловчилар шунча кам бўлади ва аксинча реал фоиз ставкаси қанчалик паст бўлса, фойда келтирадиган инвестиция лойиҳалари шунча кўп бўлади. Шунинг учун ҳам инвестиция функция графиги қуйига қараб оғма бўлади (1- расм).

Макроиқтисодий сиёсатда фоиз ставкаси билан инвестиция ҳажми ўртасидаги мавжуд боғлиқлик ҳисобга олинади ва кенг фойдаланилади. Фоиз ставкасининг миқдори пул-кредит сиёсатининг муҳим курали ҳисобланади. Давлат уни ўзгартириш орқали мамлакатдаги пул таклифини тартибга солиб туради. Фоиз ставкасининг кўтарилиши пулнинг қимматлашуви ва унга бўлган талабнинг қисқартираётганини билдиради. Бу эса инвестиция харажатларини қисқартириши, келажакда миллий ишлаб чиқариш ҳажмини пасайишини билдиради.

1-расм

Инвестиция функциясининг графиги

Фоиз ставкаси



Инвестиция ҳажми

Инвестициялашда айланма капиталга устуворлик берилишида аввал капитал жамғариш даврида пулни тез тўплаш учун уни капитал айланиши

уни тез соҳаларга жойлаштирилиши юз беради, чунки бунда юқори фойда меъёри юзага келади. Фойда меъёри юқори жойда эса, уни капиталлаштириш имкони катта бўлади. Бу омил ҳам хусусий секторда пулни айланма капиталга айлантириш учун қулайлик яратади.

Хорижий инвестициялар – бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий, интеллектуал бойликлардир.

Чет эл инвестициялари – чет мамлакатларининг миллий иқтисодиётга моддий, молиявий ва номоддий кўринишидаги муддатли кўйилмаларнинг барча шакллари тушунилади. Бу қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: кўшма корхоналарни ташкил қилишда ўз улуши билан қатнашиш, хорижий сармояларга тўла тегишли бўлган корхоналарни барпо этиш, хорижий шахслар томонидан қимматли қоғозларни, заём ва кредитлар олиш.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишга таъсир этувчи омиллар қуйидагилардир:

1) Иқтисодий омиллар:

- Ишлаб чиқаришни ривожланишида иқтисодий ўсиш суръатларининг бир маромда ушлаб турилиши;

- Жаҳон ва алоҳида мамлакатлар иқтисодиётидаги чуқур таркибий силжишларнинг амалга оширилиши (фан-техника тараққиёти ютуқлари ва жаҳон хизматлар бозори тараққиёти таъсири остида олиб борилиши);

- Ишлаб чиқаришни халқаро ихтисослашуви ва кооперациялашувининг чуқурлашуви;

- Жаҳон иқтисодиётини трансмиллийлаштирилишини ўсиб бориши (АҚШ трансмиллий корпорация (ТМК)лари хорижий филиалларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми АҚШ товар экспортидан 4 маротаба ортиқдир);

- Ишлаб чиқаришнинг байналмиллашуви ва интеграция жараёнларининг чуқурлашиб бориши;


- Халқаро иқтисодий муносабатларнинг фаол ривожланиши ва бошқалар.

2) Сиёсий омиллар:

- Капитал экспорти (импорти)ни эркинлаштириш (эркин иқтисодий ҳудудлар (ЕИХ), оффшор ҳудудлари ва бошқалар);
- Ривожланаётган мамлакатларда индустрлаштириш сиёсатини олиб бориш;
- Иқтисодий ислохотларни олиб бориш (давлат корхоналарини хусусийлаштириш, хусусий секторни ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш);
- Бандлик даражасини ушлаб туриш сиёсатини олиб бориш ва бошқалар.

2-расм

Хорижий инвестицияларга таъсир этувчи омиллар ⁵



Инвестицияларни замонавий техника ва технология билан қуролланиш, илмий-техник, ишлаб чиқариш ва ақлий имкониятларни тиклашнинг асосий

⁵ N.N. Imomov. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish.//Т.:TDIU, 2011.-188b.

воситасидир. Айнан хорижий инвестициялар орқали миллий иқтисодиёт жонланиб, ишлаб чиқариш замонавий, рақобатдошлар товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашиб боради.

1.2. Хорижий инвестицияларнинг асосий турлари

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир инвестиция турининг ўзига хос ўрни бўлади. Молиявий инвестициялар таркибига маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг пул бойликлари, омонатлар, депозит, сертификатлар, акциялар, облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда тенглаштирилган бойликлар киради.

Моддий инвестициялар таркибига асосий фондлар, яъни бинолар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, коммуникациялар ва бошқа турдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив ва пассив қисмлари киради.

Ақлий (интеллектуал) инвестициялар миқдори турли хил бўлиб, яъни улар мулкӣ ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар, ақлий меҳнатга оид шаклдаги инвестициялар ва табиӣ ресурслардан фойдаланиш шаклидаги инвестициялардан иборат. Мулкӣ ҳуқуқлар гуруҳига кирадиган инвестицияларнинг турлари бозор муносабатларининг нечоғлик ривожланганлигига, миллий бозорларнинг ўзига хос томонларига қараб ҳар хил бўлади. Ақлий меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар таркибига мултиплик ҳуқуқлари, “нау-ҳау”, кашфиётлар, товар белгиларига бериладиган лицензиялар ва бошқа хил эғалик ҳуқуқлари киради.

Таркибий тузилишига кўра инвестициялар ялпи ва соф инвестицияларга ажратилади. Ялпи инвестициялар – бу ишлаб чиқариш воситаларининг истеъмол қилинган қисмини қоплаш ҳамда уларни қўшимча ўсиши мақсадида ишлаб чиқариш жамғармалари ва аҳоли маблағлари қўйилмаларидир. Бошқача сўз билан айтганда, ялпи инвестициялар ўз ичига амортизация ва соф инвестицияларни қўшади: Соф инвестицияларни аниқлаш учун ялпи инвестициялардан амортизация ажратилади. Ялпи инвестициялар ва амортизация ўртасидаги нисбатга қараб иқтисодиётнинг

аҳволи қандай эканлигини, яъни соф инвестиция юқори бўлса, иқтисодиёт юксалишда бўлади, чунки унинг ишлаб чиқариш қувватлари ўсади. Ялпи инвестиция ва амортизация бир-бирига тенг бўлган чоғда иқтисодиётда барқарорлик ҳолати вужудга келиши мумкин. Бу вазиятда соф инвестициялар нолга баробар ва иқтисодиёт шу йилда қанча капитал истеъмол қилган бўлса, уни қоплаш учун шунча ишлаб чиқариш керак бўлади.

Иқтисодий фаоллик пасайиб бораётган иқтисодиёт учун ялпи инвестициялар амортизациядан кам бўлган ҳолдаги вазият хосдир, яъни иқтисодиётда йил давомида капитал ишлаб чиқарилганда нисбатан кўпроқ истеъмол қилинади. Бундай ҳолатда соф инвестициялар ишираси манфий бўлиб, унинг мутлақ қисқаришини билдиради. Натижада, йил охирида капитал ҳажми йил бошидагига нисбатан кам бўлади. Инвестицияларни четга чиқариш жаҳон хўжалигидаги товарларни четга чиқариш монополиясини тугатди. Ҳозирги вақтда халқаро инвестицияларнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 30%дан ошди. Бу кўрсаткич жаҳон савдосининг ўсиш суръатларидан деярли 5 маротаба ортиқдир. Халқаро инвестициялар ўзида моддий бойлик барпо этиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш, пул ва товар шаклларида жамғарилган захираларни мужассамлаштиради. Ушбу инвестициялар доимий равишда мамлакат ичида бир тармоқдан бошқасига, ҳамда давлатлараро ҳаракатда бўлади.

Инвестициялар турли шаклларда амалга ошорилади ва уларни таҳлил қилиш, режалаштириш учун алоҳида хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда гуруҳлаштирилади. Хорижий инвестицияларнинг қуйидаги турлари мавжуд: капитал, инновация ва ижтимоий инвестиция.

Капитал инвестиция жумласига асосий фондларни вужудга келтирувчи ва такрор ишлаб чиқаришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Инновация инвестициялар жумласига техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқариш ва ўзлаштиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Ижтимоий инвестициялар жумласига инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек, номоддий неъматларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради. Хорижий инвестициялар кўламига қараб халқаро доирадаги, яъни халқаро инвестициялар киради. Халқаро инвестициялар – жаҳон мамлакатлари ўртасида ҳаракатда бўлган инвестициялардир.

Реал инвестициялар реал капиталнинг ўсишини, яъни ишлаб чиқариш маблағлари, моддий бойликларнинг ўсишини таъминлаши зарур.

Молиявий инвестициялар деб акциялар, облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар учун сарфланган қўйилмаларга айтилади. Бу қўйилмалар буюм кўринишидаги капиталнинг ўсишини ўзида мужассам этмасада, лекин фойда, спекулятив фойда яъни қимматли қоғозлар курси ўзгариши натижасида вужудга келадиган фойда келтиради. Молиявий инвестициялар икки хил кўринишида бўлади. Акцияларни сотиб олиш реал моддий кўринишдаги капитални яратмайди. Лекин келажакда спекулятив кўринишда фойда олиш мумкин бўлади. Акцияларни сотишдан тушган маблағни ишлаб чиқариш учун, асбоб-ускуналар сотиб олиш учун сарфланганда у реал капиталга айланади ва реал инвестиция кўринишини олади. Шу сабабдан қимматли қоғозларни олда-сотди операциялари натижасида олинadиган спекулятив фойда келтирувчи молиявий инвестициялар ва қимматли қоғозларни сотиш натижасида пул кўринишидаги реал молиявий инвестицияларни фарқлаш лозим. Фан-техника тараққиётини тезлашуви билан интеллектуал салоҳият ишлаб чиқаришни энг кучли омилига айланди, унинг жиддий унсури бўлиб қолди. Асосий фондларга сарфланган реал инвестициялар мақсади сарфланиш йўналишлари ва бошқа кўрсаткичларга кўра ҳудудлараро, тармоқлараро, технологик, қайта ишлаб чиқариш таркибларига эга. Асосий фондларга сарфланadиган инвестицияларни, уларнинг актив (машиналар, асбоб-ускуналар) ва пассив (бино-иншоотлар) қисмларини ташкил этиш учун сарфланган умумий ҳаракат йиғиндисидagi улуши инвестицияларнинг технологик таркибини

ташкил этади. Қайта ишлаб чиқариш таркиби инвестицияларнинг қандай мақсадларга йўналтирилганлиги; янги қурилишга, ишлаб турган корхоналарни кенгайтиришга, реконструкцияга ва янги техника билан қайта қуроллантиришга жалб қилинган харажатларни умумий харажатлардаги ҳар бирининг нисбий жиҳатдан улушини кўрсатади. Инвестицияларнинг ҳудудлараро ва тармоқлараро таркиби эса уларнинг нисбий жиҳатдан ҳудудлар ва тармоқлар бўйича тақсимотини билдиради.

ивожланган мамлакатларда реал инвестицияларнинг асосий қисмини хусусий инвестициялар ташкил этади. Давлат секторида реал инвестициялар сарфи муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий мувофиқлаштириш асосида кредитлар, субсидиялар ажратилади, давлат капитал қўйилмалари мувозанатлаштирилади ва реал инвестициялар ўзлаштирилади. Давлат томонидан ўзлаштириладиган инвестициялар дастлабки бозор инфратузилмасини ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантиришга сарфланади. Инвестицияларни самарадорлигини ошириш асосий капитални актив элементларини вужудга келтириш ва ўстириш ҳисобига амалга оширилади. Молиявий инвестициялар капитални, тўлов ва молиявий мажбуриятларнинг барча турларини ўзида мужассамлаштирувчи, молиявий активларга жойлаштирилишини англатади. Ушбу молиявий воситаларнинг энг муҳимлари қимматли қоғозлардир: уушли (активлар) ва қарз (облигациялар). Реал инвестициялардан фарқли ўлароқ молиявий инвестицияларни кўпроқ портфел инвестициялар деб аталади, чунки бу ҳолда инвесторнинг асосий мақсади бўлиб молиявий активларнинг мукамал йиғмасини (инвестициялар портфелини) шакллантириш ва қимматбаҳо қоғозлар билан амалга ошириладиган турли операцияларни бошқариш ҳисобланади. Молиявий инвестициялар шахсий компаниялар ва давлат идоралари томонидан муомалага чиқарилган акцияларга, облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозлар ва банк депозитларига, узоқ муддатга жалб қилинадиган қўйилмалардир. Молиявий инвестицияларнинг асосий қисми, капитални ноишлаб чиқариш соҳасига сарфланишини билдиради. Молиявий


инвестициялар аксарият ҳолларда реал инвестицияларнинг манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Молиявий инвестициялар эркин бозор инфратузилмаси ривожланган мамлакатларда, қимматли қоғозлар бозори орқали капитални соҳалар бўйича тақсимланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган давлатларда кўпроқ тарқалган.

Инвестицияларда қатнашиш характериға кўра инвестициялар бевосита ва портфел инвестицияларға ажратилади. Бевосита инвестициялар – инвесторни ўз молиявий маблағларини жойлаштириш объектини тиклаш имкониятини беради. Портфел инвестициялар – тижорат банклари, инвестицион компаниялар ва фондлар ва бошқа ёрдамида амалға оширилади.

Инвестициялаш давриға қараб инвестициялар қисқа муддатли (бир йилгача бўлаган муддатға берилади) бўлади. Масалан, оддий акциялар умуман бирор-бир муддат билан чекланмайди. Депозит сертификати (олти ой муддатға берилиши мумкин) – бу қисқа муддатли қўйилмалар воситасидир, облигациялар эса (масалан, 20 йилда қайтариш муддати билан) узок муддатли қўйилмалар воситасидир.

Мулк шаклларидан келиб чиқиб инвестициялар хусусий, давлат, қўшма ва хорижий шаклларға ажратилади. Хусусий инвестициялар нодавлат юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг маблағларни тадбиркорлик фаолияти объектларига қўйилишини англатади. Давлат инвестициялари – бу давлат томонидан миллий даромаднинг давлат бюджетининг маблағлари кўринишида мамлакат иқтисодиётини ривожланиши учун сарфланаётган маблағлардир. Инвестиция муносабатлари шу даражада мураккаб ва кўп қирралики, кўпинча давлатлар ўртасидаги муносабатлар хусусий шахслар ўртасидаги муносабатлар билан узвий боғланган бўлади. Бундай алоқа инвестор ва ҳуқуқ ва талабларни давлатға топширҳанда яққол кўринади.

Хорижий инвестицияларнинг таснифланиш белгилари



Хорижий инвестициялар ҳам давлат ёки хусусий инвестициялар шаклида бўлиши мумкин. Биринчи шаклда давлат инвестициялари иштирок

этиб, бунда бир давлат бошқа давлатга кредитлар ёки бошқача шаклдаги қарзлар бериши мумкин. Бундай муносабатларга халқаро ҳуқуқ нормалари қўлланади. Иккинчи шаклда эса, бир мамлакат хусусий фирмалари, компаниялар ёки фуқаролар бошқа мамлакатнинг тегишли субъектларига берадиган тегишли инвестициялар тушунилади.

Ҳудудий жойлаштириш бўйича инвестициялар ички ва ташқи инвестицияларга бўлинади.

Ҳозирги кунда бир қатор мамлакатларда моддий ишлаб чиқариш жараёнидаги инвестициялардан ташқари ижтимоий-маданий соҳалар учун, фан тармоқлари учун, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳалари учун инвестиция маблағлари ажратилмоқда. Бу инвестицияларнинг алоҳида бир кўриниши бўлиб, асосан кишиларнинг соғлигини сақлаш, ақлий ва маънавий ривожланиши учун, ҳаётини узайтириш ҳамда кишиларнинг иш фаолиятида ижодий қатнашиши ва унинг самарадорлиги ошиши учун сарфланади.

Инвестициялар иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар ҳисобланса, инвестиция фаолияти субъектларнинг инвестицияларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи инвестиция фаолияти деб юритилади. Инвестиция фаолияти тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг бир кўринишидир, шунинг учун ҳам тадбиркорликка хос бўлган белгилар, яъни мулкӣ мустақиллик, ташаббускорлик ва таваккалчилик унга ҳам хос бўлган хусусиятдир.

Инвестиция фаолиятининг объекти моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқариш объектлари ҳисобланади.

Инвестиция фаолиятининг субъектларидан бири инвестор бўлиб, у ўз маблағларини, қарзга олган ва жалб этилган маблағларни, мулкӣ бойликларни ва уларга доир ҳуқуқларни, шунингдек интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни инвестиция фаолияти объектларига жалб этишни амалга оширади. Бундай ўзига хос фаолият субъектларининг яна бир катта гуруҳи

мавжуд бўлиб, улар инвестиция фаолияти иштирокчилари деб, юритилади ва уларнинг асосий вазифаси инвесторнинг буюртмаларини бажарувчи сифатида инвестиция фаолиятини таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Инвесторлар буюртмачи (маблағ киритувчи), кредитор, сотиб олувчи бўлишлари, шунингдек инвестиция фаолияти иштирокчиси вазифасини бажарувчи ҳам бўлишлари мумкин.

Инвестиция фаолиятини амалга оширувчилар (инвесторлар) қуйидаги белгилари бўйича тавсифланади:


- Жорий фаолиятнинг йўналишлари бўйича институционал ва индивидуал инвесторлар. Институционал инвесторлар ролида саноат, савдо, транспорт, алоқа ва бошқа соҳалардаги акциядорлик жамиятлар намоён бўлсалар, индивидуал инвесторлар ролида фуқаролар намоён бўлади.

- Инвестициялаш мақсадлари бўйича стратегик ва бевосита инвесторлар. Улар ўз олдига компанияларни бошқариш ҳуқуқини олишни мақсад қилиб қўясалар. Буни улар бошқа компаниялар акцияларининг назорат пакетини сотиб олиш ёки уларнинг устав капиталининг катта қисмига эгалик қилиш орқали амалга оширадилар.

Мақсадига кўра хорижий инвестициялар бевосита ва портфел инвестицияларга бўлинади.

Бевосита инвестициялар – бу капитални тўғридан-тўғри экспорти бўлиб, инвестиция киритувчига шу корхона устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради. Бунда корхона асосий компаниянинг хориждаги шахобчасига айланади. Бевосита хорижий инвестициялар (БХИ) асосан хусусий тадбиркорлик капитали шаклида бўлади.

Халқаро статистикада инвестицияларни БХИлар турига киритиш бўйича ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Хорижий инвесторлар томонидан назорат қилиш ҳуқуқини белгиловчи кўрсаткич сифатида улар эга бўлагн акционерлар капиталининг ҳиссаси кўрсаткичидан фойдаланилади.

БХИларнинг мамлакатлар бўйлаб тақсимланиши⁶

Бу кўрсаткич АҚШда 10%, Франция ва Буюк Британияда 20%га яқин, Германияда 25%дан 50% гача, Озбекистонда эса 49% даражасида белгиланган. Шунингдек, шу корхонанинг босқарувида бевосита амалга оширилаётган инвестицияларнинг узоқ муддатли эканлиги ҳам унинг муҳим белгиларидан биридир. Инвестициянинг бу кўриниши таваккалчиликни, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги учун масъулиятни давлат ва аҳоли зиммасига юкламасдан, балки уларнинг тадбиркорлик тизимлари ўртасида тақсимлашнинг энг яхши ва синалган усули ҳисобланади.

БХИ борасидаги яна бир ёндашув бу турдаги инвестицияларни фақат мулкчилик кўлами билан, яъни акционерлик капиталидаги улуши билан боғлиқ, деб кўрсатади. Унга мувофиқ БХИ ларни:

- Хорижда акцияларни сотиб олиш орқали;
- Фойдани қайта инвестициялш ёрдамида;
- Фирма ички қарзлари ва қарздорликлари орқали амалга ошириш мумкин.

Бевосита инвестициялар асосан икки гуруҳга ажратилади:

1. Трансконтинентал капитал қўйилмалар;
2. Трансмиллий қўйилмалар.

⁶ Xasbulatov R.I. Mirovaya ekonomika: B 2-x t. T.I.-M.:Izdelstvo "Ekonomika", 2002.

Трансконтинентал капитал қўйилмалар – инвестиция киритиш учун кулай бозор шароити бўлган бошқа бир давлат ёки қитъага инвестиция экспортини амалга оширишдир. Асосий мақсад – бозорни эгаллаш ва шу континентда янги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш. Трансмиллий капитал қўйималари эса асосан қўшни давлатларга амалга оширилади.

Бевосита инвестициялар икки мақсадга йўналтирилади:

- Янги компания ташкил этиш;
- Банкрот бўлган компанияларни харид қилиш.

Портфел инвестициялар – шундай инвестицияларки, бунда капитални даромад олиш мақсадида корхоналарнинг акциялари, облигациялари ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш учун сарфланади. Бундай инвестициялар корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолияти устидан назорат ўрнатиш ҳуқуқини бермайди. Хорижий портфел инвестицияларнинг барча халқаро операцияларни амалга оширишда фирма учун муҳим аҳамиятга эга. Бу турдаги инвестицияларга асосан молиявий муаммоларни ечиш учун мурожаат қилинади. Корпорацияларнинг молиявий бўлимлари маблағларнинг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга қисқа муддатли инвестициялардан юқори фойда олиш учун ўтказадилар.

Портфел инвестициялар қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

1. *Акционер қимматбаҳо қоғозлари* – бозор муомаласидаги пул ҳужжати бўлиб, ҳужжат эгасининг ушбу ҳужжатни чиқарган шахсга нисбатан мулкӣ ҳуқуқга эгаллигини тасдиқлайди;

2. *Заём қимматбаҳо қоғозлар* – бозор муомаласидаги пул ҳужжати бўлиб, заём эгасининг ушбу ҳужжатни чиқарган шахсга нисбатан муносабатини тасдиқлайди.

Заём қимматбаҳо қоғозлари қуйидаги шаклларда чиқарилади:

- *Облигация* (оддий вексел, қарз мажбурияти) пулли дастак бўлиб, унинг соҳибига кафолатланган ва қатъий белгиланган пул даромади ёки шарнома асосида белгиланган Ўзгарувчан пул даромадини олиш ҳуқуқини беради;

- *Пул бозори дастаклари* – пуллик дастак бўлиб, унинг соҳибига маълум бир давр ичида кафолатланган ва қатъий белгиланган пул даромади олиш ҳуқуқини беради.

Бу дастаклар бозорда пасайтирилган нархларда сотилади, нархни пасайтириш даражаси фоиз ставкасининг катта-кичиклигига ва қарзни қоплаш муддатига боғлиқдир. Булар ғазна векселлари, депозит сертификатлари ва бошқалар киради.

Молиявий дериватлар- бозор нархига эга бўлган пулли дастак бўлиб, унинг соҳибига бирламчи қимматбаҳо қоғозларни сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқини беради. Булагга опционлар, фьючерслар, варрантлар, своплар киради.

Нота (қарз мажбурияти) – қисқа муддатли (1-6 ой) пулли дастак бўлиб, банк билан келишув асосида қарз олувчининг ўз номига чиқарилади, бозорда жойлаштирилиши кафолатланади ва сотилмаган ноталар сотиб олинади, резерв кредитлар билан таъминланади. Кенг тарқалган ноталар – Евроноталардир.

Портфел инвестицияларнинг бевосита инвестициялардан авзаллик томони шундаки, улар тугатилиш вақтида қимматбаҳо қоғозлар тезданақд валютага алмаштириб олиниши мумкин. Портфел инвестицияларнинг амалга оширилишининг асосий сабаби – таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда мажбурий инвестор ўз маблағларини хорижда максимал фойда келтирувчи қимматбаҳо қоғозларга жойлаштириши мумкин. Маълум бир маънода портфел инвестицияси пулни инфляция ва спекуляция йўли билан фойда кўришдан сақлаш воситаси сифатида қаралади. Бунда инвестиция қилинаётган соҳа ҳам, қимматбаҳо қоғоз тури ҳам ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, у устама курс ўсишига қараб исталган фойдани бериши керак бўлади.

Қуйида портфел ва бевосита инвестициялар ўртасидаги фарқ жадвал кўринишида тасвирлаб берилган. Жадвалда портфел ва бевосита инвестицияларни капитал чиқариш мақсади, мақсадга эришиш йўллари, мақсадга эришиш усуллари, даромад шакллари каби белгилари келтирилган.

Бевосита ва портфел инвестициялар ўртасидаги фарқлар

Белгилар	Бевосита инвестициялар	Портфел инвестициялар
Капитал Чиқаришдан Асосий мақсад	Хорижий фирма устидан назорат ўрнатиш	Юқори фойда олиш
Мақсадга еришиш йўллари	Хорижда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва олиб бориш	Хорижий қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш
Мақсадга еришиш усуллари	• Хорижий фирмага тўлиқ эгалик қилиш; • Акциялар назорат пакетини сотиб олиш (ХВЖ низомига биноан компания акционер капиталининг 25%дан кам бўлмаслиги керак)	Хорижий фирма акционер капиталнинг 25%дан (АҚШ, Япония, Германияда 10%дан) Камина сотиб олиши
Даромад шакллари	Тадбиркорлик фаолияти фойдаси, дивидентлар	Дивидентлар, фоизлар

1.3. Хорижий инвестицияларни давлат томонидан тартибга солиш усуллари

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- инвестиция фаолиятининг қонунчилик негизини такомиллаштириш;
- солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларини, солиқ ставкалари ва уларга доир имтиёзларни табақалаштирувчи солиқ тизимини қўллаш;
- асосий фондларни жадал амортизация қилиш;
- нормалар, қоидалар ва стандартларни белгилаш;
- монополияга қарши чораларни қўллаш;
- кредит сиёсати ва нарх белгилаш сиёсатини ўтказиш;
- ерга ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилаш;

- инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш механизмларини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторингини юритиш.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳам амалга оширилади.

Давлат хорижий инвестицияларни тартибга солишнинг қуйидаги усулларида фойдаланади:

1. Молиявий:

- Жадаллаштирилган амортизация;
- Солиқ имтиёзлари;
- Субсидиялар;
- Қарзлар бериш;
- Кредитларни суғурталаш ва кафолатлаш.

2. Номолиявий:

- Ер участкалари ажратиш;
- Зарурий инфраструктура билан таъминлаш;
- Техник ёрдам кўрсатиш.

Амортизация ажратмалари – бу асосий воситаларнинг белгиланган муддатда ўз қийматини ишлаб чиқаришга ўтказиб боришдир. Асосий воситаларга бино, иншоотлар, технология асбоб-ускуналар, компьютерлар, автомобиллар ишлаб чиқариш ҳамда хўжалик инвентарлари ва бошқалар киради. Ҳар бир корхона бу асосий воситаларга даромаддан амортизация ажратмаларини ажратиб боради. Ривожнаган мамлакатларда корхоналарнинг инвестицияларга бўлган эҳтиёжининг 70-80 фоизини амортизация ажратмалари оқали қондиради.

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда тезлаштирилган амортизацияга ўтишган. Чунки бозорда рақобат кучли. Бу эса технологияни янгилаб туришга ундайди. Йиғилган амортизация фонди эса техника-технологияни янгилашга сарфланади. Ривожланган давлатларда корхоналар

бу йўлдан бормаса рақобатга бардош бера олмайди. Аммо амортизация ажратмасини ҳам ошириб юбормаслик керак. Чунки тан нархи ошиб кетиб қолади.


Корхона амортизация ажратмаларини реал инвестицияларга, яъни куйидагиларга сарфлаши керак:

- Янги технология сотиб олишга;
- Ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштиришга;
- Маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, яъни бунни замонавийлаштириш ва янгилашга;
- Реконструкциялаш ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга;
- Янги қурилишга.

Монетар сиёсатнинг кучайтирилиши, корхоналар молиявий аҳволининг барқарор эмаслиги корхона ва жисмоний шахслар маблағларидан молиялаштирилган инвестиция лойиҳаларининг ҳажмига ўз таъсирини кўрсатади. Инвестиция лойиҳаларни молиялаштиришнинг корхоналар учун самарали бўлишига иқтисодий инфратузилманинг марказий бўғини бўлган солиқлар механизми ҳисобланади. Чунки солиқлар ҳам, ҳар бир корхона миқёсида тузилган инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самараси тақдирини ҳал қилишда асосий ўринни эгаллайди. Ўзбекистонда ҳам инвестиция лойиҳаларини тузиш ва молиялаштириш учун қулай инвестиция муҳитни яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Уларнинг негизида иккита асосий омил ётади:

1. Иқтисодий барқарорлик;
2. Инфляция жараёнларини тартибга солиш ва миллий валюта сўмнинг тўлов қобилиятини оширишга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсат.

Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция лойиҳаларини тузиш ва уларни молиялаштириш омиллари ⁷



Юқорида таъкидлаганимиздек инвестиция фаолиятини тартибга солиш усулларига инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш механизмларини белгилаш, Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторингини юритиш киради.

Инвестиция лойиҳаси – иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида инвестициялар киритган ҳолда олдиндан белгиланган муддат мобайнида амалга ошириладиган ўзаро боғлиқ тадбирлар ва ишлар комплекси.

⁷ Муаллиф томонидан тузилган

Ўзбекистон Республикасида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш шартларига боғлиқ ҳолда инвестиция лойиҳаси ҳужжатлари қуйидагича ишлаб чиқилади:

- Дастлабки техник-иқтисодий асослаш (ДТИА) – молиялаштириш манбалари ва шартларини келишиш/танлов ҳужжатлари – ТИХ – ишчи ҳужжатлар;

- Дастлабки техник иқтисодий ҳисоблаш (ДТИХ) – молиялаштириш манбалари ва шартларини келишиш/танлов ҳужжатлари – ТИХ – ишчи ҳужжатлар;

- Ишчи лойиҳа-танлов ҳужжатлари.

Инвестиция лойиҳасининг ДТИА (ДТИХ) бўйича хулосаларини кўриб чиқиш ва тайёрлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитаси томонидан ДТИА (ДТИХ) ҳамда тегишли вазирликлар ва лойиҳа ташаббускорлари бўлган идораларнинг – Шаҳарсозлик кодекси талабларига, нормативе ҳужжат талабларига ва қабул қилинаётган қурилиш қийматининг қарор топган бозор конъюктураси даражасига мувофиқлиги юзасидан тармоқ хулосаси тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда;

2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги томонидан – ДТИА (ДТИХ) ва “Давархитектқурилиш” қўмитасининг қуйидагилар бўйича хулосаси тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда;

ДТИА бўйича – иқтисодиётни барқарор, мутаносиб ривожланишини ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштиришни, таркибий қайта ўзгартиришларни, тармоқлараро кооперациялашни амалга оширишни, инвестиция сиёсатини рўёбга чиқаришни, ишлаётган қувватлардан фойдаланишни, шунингдек хом ашё ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бозори конъюктурасини таъминлаш нуқтаи назаридан лойиҳани амалга оширишнинг умумий иқтисодий мақсадга мувофиқлигини баҳолаш юзасидан.

ДТИХ бўйича – ижтимоий аҳамиятини, ижтимоий соҳанинг алоҳида тармоқларини ва “бошқа тармоқлар”ни ривожлантириш бўйича Ҳукумат қарорларига мувофиқлигини ишлаб турган қувватлардан ойдаланишни ва уларни жойлаштиришни мақбуллаштиришни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш юзасидан;

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ДТИА (ДТИХ) ҳамда “Давархитектқурилиш” қўмитасининг тавсия этилаётган маркетинг концепсияси, тайёр маҳсулотни сотиш истикболлари асосида жаҳон бозори конъюктураси, шунингдек тавсия этилаётган технологияга мувофиқ асбоб-ускуналарнинг нархларнинг чекланган параметрлари нуктаи назаридан лойиҳани амалга ошириш имкониятини баҳолаш юзасидан ҳулосаси тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда кўриб чиқилади.

Ташаббускор томонидан талаб қилинаётган асбоб-ускуналар (технологик линия), шу жумладан яқка тартибда тайёрланаётганларнинг тўлиқ ва масафал спетификациясини тақдим этиш мумкин бўлмаган тақдирда асбоб-ускуналарнинг нархларнинг чекланган параметрлари Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ТИА (ТИХ) ни экспертизадан ўтказиш жараёнида баҳоланиши мумкин. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда иқтисодиёт вазирлиги ўз ваколатлари доирасида ташаббускорга инвестиция лойиҳаларининг ДТИА (ДТИХ) ни ишлаб чиқаришда прогноزلанаётган уч беш йиллик давр учун ички ва ташқи бозорлар маркетингини ишлаб чиқишни ташкил этишда кўмаклашадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан – ДТИА (ДТИХ) ва “Давархитектқурилиш” қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлига ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг қуйидагилар бўйича тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда:

ДТИА бўйича – лойиҳанинг молия-иқтисодий самарадорлигини ва қопланувчанлигини баҳолаш, лойиҳанинг мақбул параметрларига эришишни

таъминлайдиган молиялаштиришга эҳтиёжни аниқлаш, шунингдек лойиҳани молиялаштиришнинг тавсия этилаётган вариантларини баҳолаш юзасидан;

ДТИХ бўйича – лойиҳани амалга оширишнинг мумкин бўлган вариантини танлаш, молиялаштиришнинг тавсия этилаётган схемасининг мақбуллиги, лойиҳанинг мақбул параметрларига эришишни таъминлайдиган молиялаштиришга эҳтиёжини аниқлаш юзасидан;

5. Хизмат кўрсатувчи банк томонидан - ДТИА (ДТИХ) ва “Давархитектқурилиш” кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги, лойиҳа ташаббускорлигининг кредит тарихини ўрганиш, пул оқимлари таҳлили, таваккалчиликларни баҳолаш ва лойиҳанинг мақбул параметрларига эришишни таъминлайдиган молиялаштиришга эҳтиёжини аниқлаш юзасидан хулосалари тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда. Молиялаштиришни бюджет маблағлари ҳисобига (бошқа манбалардан фойдаланмасдан) амалга ошириш назарда тутилаётган объектлар бўйича хизмат кўрсатувчи банкнинг эксперт хулосаси талаб қилинмайди.

Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектлар, жалб этилаётган кредитларни тўлаш учун маблағлар ҳисобига узишни назарда тутадиган бюджет маблағларининг мақсадга мувофиқлиги (мувофиқ эмаслиги) ҳамда ҳажмлари, шу жумладан солиқ имтиёзлари бериш тўғрисидаги хулосалар мавжуд бўлиши керак.

Ваколатли экспертиза органлари қайта ташкил этилган тақдирда хулоса ҳуқуқий ворис бўлган ташкилот томонидан берилади.

Инвестиция лойиҳасининг дастлабки техник-иқтисодий асосланиши ваколатли экспертиза органларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтади.

Ваколатли экспертиза органлари

Ваколатли экспертиза органлари	Хулоса натижаси (тавсия этилди/рад этилди)
Иқтисодиёт вазирлиги	
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	
“Давархитектқурилиш” қўмитаси	
Молия вазирлиги	
Ваколатли банк (банклар)	

Манба: R.X. Karalbayeva//Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish.T.: 2011

Давлат ўзига юклатилган функцияларни амалга оширишда яъни молиялаштиришни асосан иқтисодий, мудофаа, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ижтимоий вазифаларни амалга оширишда қўллаиди, буларга эса қуйидагилар киради:

- Минимал ҳаражатлар билан максимал иқтисодий ва ижтимоий самара олиш;
- Бюджет ресурсларидан самарали фойдаланиш;
- Бюджет маблағларини кўрилиши ва пудратчи ташкилотларга белгиланган режанинг бажарилиши бўйича берилиши.

Биринчи тамойилнинг моҳияти шундан иборатки, бюджет маблағлари мазкур лойиҳанинг самарадорлигини таъминлаш зарур бўлганда берилади. Инвестицион сиёсатга кўра капитал қурилишга маблағларни ажратиш маълум шартлар асосида амалга оширилади. Бу нарса кўзда тутилган мақсадга эришиш учун қилинади.

Иккинчи тамойилнинг характери шундан иборатки, конкрет қурилиш ёки объектларнинг молиялаштирилишининг амалга оширилиши жорий

йилнинг давлат бюджетида тасдиқлангандан сўнг бўлади ва шу билан бирга ресурслардан фойдаланишни назорат қилиш йўлга солинади.

Учинчи тамойили бюджет ресурсларини белгиланган режанинг бажарилиши учун молиялаштириладиган маблағлар пудратчи ташкилотларига ва қурилиш ташкилотларига берилади. Ушбу маблағларнинг тақсимловчи сифатида буюртмачи яъни инвесторлар ҳисобланиши мумкин.

Қайтарилмайдиган молиялаштириш кўпинча ишлаб чиқариш фаолиятининг янги йўналишларини ривижлантиришга қаратилган бўлади. Бундан ташқари, давлат бюджетидан конверсия, муҳофаа, экология ва бошқа тижорат қайтимга мўлжалланган объектларга қайтарилмайдиган маблағлар берилади. Қайтариладиган молиялаштиришга мўлжалланган маблағлар амалга ошириладиган лойиҳанинг тижорат самарасига боғлиқ бўлади. Молиялаштириш йўналишларини очиш учун (давлат) Марказий банк томонидан Молия вазирлигига (капитал) давлат бюджети маблағлари кредит шаклида берилади. Молия вазирлиги олинган маблағларни тижорат банклари орқали буюртмачилар ўртасида тақсимлайди. Қарз мажбуриятлари тўғрисидаги шартнома буюртмачи, Молия вазирлиги ва тижорат банклари ўртасида тузилади. Қайтариладиган молиялаштиришда буюртмачи гаровга нарсга қўйиши талаб қилинади. Қайтариш шarti билан олинган бюджет маблағи уч томонлама шартномада кўрсатилган муддатда Молия вазирлигига қайтарилади. Молия вазирлиги эса бу кредитни Марказий банкка келишилган муддатда қайтариб беради.

Ўзбекистон капитални импорт қилувчи мамалакат сифатида жаҳон майдонига чиқар экан, бир қатор муайян манфаатларни кўзлайди. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мамалакатга хориждан янги технологиялар, ускуналар, “ноу-хау”ни олиб киришга, чет эллик мутахассислар, экспертлар ва маслаҳатчиларни жалб қилиш орқали маҳсулот сифати ва ишчи кучи малакасини оширишга эришиш мумкин.

Вилоятлар кесимида тармоқ Дастурлари доирасида амалга оширилаётган йирик инвестицион лойиҳаларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида – нефт ва газ саноатини модернизациялаш дастури доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар.

2. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида – Хандиза конида полиметалл рудасини казиб олиш ҳамда қайта ишлаш мажмуаси ва бошқалар.

3. Қашқадарё вилояти Шўртан ГККда тозаланган метандан синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш ва Талимаржон ГЭСини кенгайтириш учун қуввати 450 MW бўлган иккита газ-буғ ускунасини ўрнатиш.

4. Навоий вилоятида аммиак ва корбамид ишлаб чиқарадиган қурилиш.

5. “Навоий” эркин индустриал зонасида амалга оширилаётган лойиҳалар ва бошқалар.

6. Навоий ва Самарқанд вилоятларида – Зармитон олтинкон зонасида казиб олиш ҳамда қайта ишлаш мажмуаси (НКМК) ва бошқалар.

7. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида – енгил саноати ва чармпоябзал саноатини модернизациялаш дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар.

8. Тошкент вилоятида – Джи эм Пауертрейн автомобил двигателларини ишлаб чиқариш заводи (Узавтосаноат) ва бошқалар.

1-боб бўйича хулоса

Инвестициялар – бу ҳали буюмлашмаган, лекин ишлаб чиқариш воситаларига қўйилган капиталдир. Ўзининг молиявий шаклига кўра, улар фойда олиш мақсадида хўжалик фаолиятига қўйилган активлар ҳисобланса, иқтисодий хусусиятига кўра, у янги корхоналар қуришга, узоқ муддатли хизмат кўрсатувчи машина ва асбоб ускуналарга ҳамда шу билан боғиқ бўлган айланма капиталнинг ўзгаришига кетган ҳаражатлардир.

Хорижий инвестициялар – бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлоқ бошқа давлат

иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий, интеллектуал бойликлардир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир инвестиция турининг ўзига хос ўрни бўлади. Молиявий инвестициялар таркибига маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг пул бойликлари, омонатлар, депозит, сертификатлар, акциялар, облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда тенглаштирилган бойликлар киради.

Моддий инвестициялар таркибига асосий фондлар, яъни бинолар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, коммуникациялар ва бошқа турдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив ва пассив қисмлари киради.

Ақлий инвестициялар миқдори турли хил бўлиб, улар мулкӣ ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар, ақлий меҳнатга оид шаклдаги инвестициялар ва табиий ресурслардан фойдаланиш шаклидаги инвестициялардан иборат.

Ижтимоий инвестициялар жумласига инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, номоддий неъматларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Реал инвестициялар реал капиталнинг ўсишини, яъни ишлаб чиқариш маблағлари, моддий бойликларнинг ўсишини таъминлаши зарур.

Молиявий инвестициялар деб акциялар, облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар учун сарфланган қўйилмаларга айтилади.

Мақсадига кўра хорижий инвестициялар бевосита ва портфел инвестицияларга бўлинади.

Бевосита инвестициялар – бу капитални тўғридан-тўғри экспорти бўлиб, инвестиция киритувчига шу корхона устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради.

Портфел инвестициялар – шундай инвестицияларки, бунда капитални даромад олиш мақсадида корхоналарнинг акциялари, облигациялари ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш учун сарфланади.

Давлат хорижий инвестицияларни тартибга солишнинг молиявий ва номолиявий усулларида фойдаланади.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солиш усуллари

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши инвестицияларни узлуксиз амалга оширишни талаб қилади. Шу боис инвестицияларни, хусусан хорижий инвестицияларни устувор инвестицион лойиҳаларга жалб қилишга алоҳида эътибор берилади.

Ҳозирда, Республикада хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳуқуқий база яратилди, инвестицияларни жалб қилиш ва хорижий инвесторларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма барпо қилинди ва бу жараён такомиллашиб бормоқда.

Инвестиция фаолиятининг эркинлиги ва ривожланишини таъминлаш мақсадида унинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш учун “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, “Чет эл инвестициялари билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда 2007 йил 4 январда ПҚ-554-сонли “Инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар хорижий инвестицияларни жалб қилиш, хорижий шериклар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш,

устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва мамлакатда инвестицион фаолликни оширишни рағбатлантиришга йўналтирилган.

“Чет эл инвестициялари” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Қонунининг 3-моддасида “чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва бошқа қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади”⁸.

Чет эл инвестициялари – чет мамлакатларнинг миллий иқтисодиётга моддий, молиявий ва номоддий кўринишдаги муддатли қўйилмаларнинг барча шакллари тушунилади. Бу қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: қўшма корхоналарни ташкил этишда ўз улуши билан қатнашиш, хорижий сармоядорларга тўла тегишли бўлган корхоналарни барпо этиш, хорижий шахслар томонидан қимматбаҳо қоғозларни, шунингдек, заём ва кредитлар олиш.

“Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонун йигирма иккита моддадан иборат бўлиб, унинг ўнинчи моддасида чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари алоҳида белгилаб қўйилган.

Чет эллик инвесторларнинг халқаро ҳуқуқ принциплари ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Инвестицияларни амалга оширишнинг ҳажмлари, турлари ва йўналишларини мустақил белгилаш;
- Инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;
- Ўзининг инвестицияларига ва инвестиция фаолиятининг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш. Чет эллик инвесторнинг қарорига биноан инвестицияларга, уларнинг натижаларига

⁸ Ўзбекистон янги қонунлари. 19-сон.-Т.:Адолат, 1998 532-бет.

эғалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Ҳуқуқлар бошқа шахсга берилганда тарафларнинг ўзаро муносабатлари шартномалар асосида тартибга солинади;

- Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолияти натижасида олинган ўзига қарашли ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат наъмуналарини чет элларда ва Озбекистон Республикасида патентлаштириш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қилиш;

- Инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадни мустақил ва эркин тасарруф этиш (шу жумладан уни монеликсиз репатрация қилиш);

- Ўзбекистон Республикасига кредитлар ва қарзлар тариқасида пул маблағлари жалб этиш;

- Ўз ҳисобварағидаги миллий валюта маблағларидан ички валюта бозорида чет эт валютасини сотиб оилш учун фойдаланиш;

- Қонун ҳужжатларида назарда тutilган ҳолларда ва шартларда ер участкаларига доир ҳуқуқларни сотиб олиш;

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўзига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган мол-мулк ва ва ҳар қандай мулкый ҳуқуқлардан зиммага олган мажбуриятларнинг, шу жумладан қарз маблағларини жалб этишга қаратилган мажбуриятларнинг барча турлари бўйича таъмин сифатида фойдаланиш;

- Ўз инвестициялари ва бошқа активлари реквизиция қилинган тақдирда мутаносиб равишда товон олиш;

- Давлат бошқарув органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракацизлиги) ҳамда қарорлари натижасида етказилган зарарларни ундириш.

Чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.⁹

“Бож тарифи тўғрисида”ги Қонуннинг 33-моддаси ва “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкка бож солинмас эди. эндиликда фақатгина чет эллик инвесторлар, балки устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳам ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулк бўйича бож ундирилишидан озод қилиндилар.

“Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонунга кўра Ўзбекистон Республикасида чет эллик инвесторлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- Чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари;
- Давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган ташкилотлар;
- Чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият юритиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;
- Чет эл давлати фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технология асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фарматевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва

⁹ Ўзбекистон Республикаси “Чет эл инвестициялари” тўғрисидаги 1998 йил 30 апрел Қонунининг 10-моддаси

замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга катта эътибор берилмоқда. Асосийси хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилган. Бунда қонуний кафолатларни яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоялаш мақсадида яратилган шарт-шароитлардан ташқари, Республика томонидан Адлия вазирлигига уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат органлари ваколати берилди.

Маълумки, инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий усулларида бири - бу инвестиция шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби ҳисобланади.

Инвестиция шартномасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- Инвестициялар объекти ва ҳажми;
- Инвестиция шартномасининг амал қилиш муддати ва шартлари;
- Инвесторнинг, шу жумладан инвестициялаш ҳажми, ишлаб чиқаришнинг муайян ҳажмини таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва сифатининг кафолатланган даражаси, ўзи ишлаб чиқарган товарлар экспорти ва кўрсатадиган хизматлар ҳажми, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида жалб этиладиган кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига, меҳнат қонунчилигига ва техника хавфсизлигига риоя қилиш, ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқа соҳалари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг, шу жумладан қонун ҳужжатларда белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари бериш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, пудрат ишларига шартномалар тузиш муддатлари, молиялаштириш манбалари, лойиҳани амалга ошириш

жадваллари, инвестиция лойиҳасининг амалга ошириш техник назорат қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотлар;

- Чет эллик инвестор томонидан унинг мажбуриятлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

- Томонларнинг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилмаганлиги учун жавобгарлиги;

- Ўзгартиришлар киритиш тартиби;

- Инвестиция шартномасини амал қилишини тўхтатиш тартиби;

- Инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш тартиби ва кўриб чиқиш жойи.

Чет эллик инвестор инвестиция шартномасини тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига қуйидагиларни тақдим этади:

- Инвестиция шартномасининг лойиҳаси;

- Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ваколатли органларда экспертизадан ўтказилган техник-иқтисодий асослаш (техник-иқтисодий ҳисоблаш) асосида бажарилган асосий иқтисодий кўрсаткичлар;

- Инвестиция шартномаси лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси юзасидан Адлия вазирлигининг хулосаси;

- Чет эллик инвесторларга ва (ёки) ташкил этиладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонага қонун ҳужжатларида белгиланганларда қўшимча равишда солиқ солиш бўйича имтиёзлар ва преференциялар бериш юзасидан – Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси хулосалари.

Инвестициядан фойдаланишда ҳар иккала томоннинг иқтисодий манфаатини тенг ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш керак.

Инвестиция муҳитини янада яхшилаш шартларидан бири инвестицияни бошқариш тартиби ва молиялаштириш механизмини, банк тизимини такомиллаштириш, молия бозорида рақобатни вужудга келтириш, нақд пулдаги ва нақд бўлмаган пулдаги операцияларни амалга оширишни

яхшилаш, хорижий инвесторларни ахборот билан таъминлашни яхшилашдан иборат.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатилишича, кенг иқтисодий ислохотларни амалга ошириш инвестицияларни, хусусан, турли соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини амалиётга тадбиқ этиш билан кўпроқ таъминланиши мумкин. Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ҳажми ва миқдорига қараб, иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар ва силжишлар ҳақида ҳулосалар чиқариш мумкин. Умуман олганда, инвестиция лойиҳаси инвестицион тадбиркорлик ва ташаббуснинг меваси, натижаси сифатида яратилган инвестицион ҳужжат бўлиб, инвестициялар билан таъминланган ҳар қандай тадбирлар мажмуаси ҳисобланади. Яъни у чекланган муддат ва вақт мобайнида фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадидаги бир-бири билан боғлиқ ва алоқадорликдаги мураккаб тадбирлар йиғиндисидир.

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришга капитал қабул қилиш тизими йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Ҳозирда хорижий инвестицияларга бўлган муносабатда замонавий халқаро ҳўжалик алоқалари қоидаларига асосланган ҳолда қонун ва қарорлар ишлаб чиқарилмоқда, шунингдек, хорижий инвестицияларнинг инфратузилмалари яратилмоқда. Кўпгина мамлакатларда махсус инвестиция лойиҳаларини баҳолайдиган, инвестициялар қўйилишига талаб бўлган давлатларни инвестиция муҳитини ўрганадиган ва инвесторлар учун аниқ ҳулосалар берадиган муассасалар мавжуд.

2.2. Инвестиция фаолиятини молиялаштиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни

Бозор иқтисодиётида инвестиция фаолиятини молиялаштириш инвесторлар томонидан молиявий ресурсларни жалб қилиш йўли билан кредитлар эвазига, муомалага, қонунчиликда белгиланган ҳолда, қимматли қоғозлар ва заёмлар чиқариш ҳисобига олиб борилади. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш йўналишлари Ўзбекистон Республикаси

иқтисодиётини барқарорлаштириш корхоналар ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун бир қанча тадбирлар ҳамда инвестиция дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқилмоқда. Ҳозирги вақтда инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш инвестиция сиёсатининг асосан қуйидаги йўналишларига амалга оширилмоқда яъни:

- Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш учун аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат ўтказиш, хориж инвестициялари учун, товарларни экспорт қилишда ўз даромадларидан фойдаланишда бирқанча имтиёзлар тартибини жорий этиш;

- Хорижий инвестицияларни асосан капитал манбаларини Республика иқтисодиётига жалб қилиш учун ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, шарт-шароитларни янада такомиллаштириш;

- Ўзбекистон жаҳон талаблари даражасидаги техникалар олиб келадиган иқтисодиёт тизимни ривожлантиришга ёрдам берадиган хориж инвестицияларига нисбатан очик эшиклар сиёсати ўтказиш.


Ҳозирги кунда Республикамизда инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг қуйидаги манбалари мавжуд:

1. Корхона ва жисмоний шахслар жамғармалари;
2. Банк кредитлари ҳисобидан молиялаштириш;
3. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобига молиялаштириш;
4. Хорижий инвестициялар.

Хорижий инвестициялар ички инвестициялардан фарқли ҳолда ташқи молиялаштириш манбаига киради.

Хорижий инвестициялар қўшма корхоналар ташкил этиш, хорижий инвесторларга тўлиқ тегишли бўлган корхоналарни яратиш, хусусийлаштиришда қатнашиш, хорижий шериклар билан банк тузиш, қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиши, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишда, эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият олиб боришда жуда катта ва муҳим аҳамиятга эгадир.

Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари



Сўнгги йилларда инвестициялар таркиби, хусусан, бюджетдан ажратилган инвестициялар ва банк кредитлари аҳамияти кескин ўзгарди. Бюджет томонидан инвестицияларни молиялаштиришга умумдават ва маҳаллий бюджетларнинг лойиҳаларини молиялаштириш назарда тутилади. Бюджетдан ташқари манбаларга эса ўз молиявий маблағлари, қарзга олган маблағлари, жалб қилинган молиявий маблағлар, бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари ва чет эл инвестициялари киради.

Охирги йилларда капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи мамлакатимизнинг ички манбалари ҳисобидан – корхоналар ва аҳоли маблағлари, инвестиция жараёнларида тобора фаол иштирок этаётган тижорат банклари кредитлари, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан шакллантирилмоқда. Жами инвестицияларнинг 73,5 фоизидан ортиғи ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилмоқда. Инвестицияларнинг қарийб 45,3 фоизи замонавий, юксак самарали асбоб-ускуналар харид қилишга йўналтирилгани айниқса муҳимдир.

Молиялаштириш манбалари таркибига тўхталадиган бўлсак, инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибий тузилишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди (3-жадвал).

3-жадвал
2005-2013 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши (фоизда)

Молиялаштириш манбалари	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1	4,5	4,8
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3	25,5	23,2
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0	42,6	46,6
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6	27,4	25,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўринадик, инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибида давлат бюджетининг улуши 2005 йилдаги 12,7 фоиздан 2013 йилда 4,8 фоизга қадар пасайиш режалаштирилган. Чет эл инвестицияларининг улуши эса, аксинча, 19,2 фоиздан 23,2 фоизга қадар кўтарилиши режалаштирилган. 2012 йилда умумий инвестициялар ҳажмида давлат бюджети маблағлари 4,5 фоиз; чет эл инвестициялари 25,5 фоиз; корхоналар ва аҳоли маблағлари 42,6 фоизни ташкил этган.


Давлатимизнинг иқтисодий сиёсати кўпроқ тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишга ва уни рағбатлантиришга қаратилган. Чунки мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар доирасида айнан инвесторларнинг ўзлари бевосита иштирок этиши ҳисобга олинган ва бунинг учун етарлича шарт-шароитлар мавжуд. Айниқса, республика минтақаларидаги бой минерал-хомашё ресурслари, етарли миқдордаги малакали ишчи кучлари, соғлом атроф-муҳит, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик шулар жумласига киради.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-

тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Қуйида берилган диаграммада мамлакатимизга жалб қилинган ва жалб қилиниши режалаштирилаётган хорижий инвестициялар, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни йиллар бўйича ўзгариш суръати келтирилган (7-расм).

7-расм

**2008-2013 йиллар давлат инвестиция дастурлари доирасида
тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг ўзлаштириш динамикаси (млн.
АҚШ долл.)¹⁰**



¹⁰ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ. 2013.

Диаграммадан кўриниб турибдики, 2011 йилда хорижий инвестициялар хажми 3832,4 миллион АҚШ долларни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2010 йилдагидан қарийб 1074.97 миллион АҚШ доллар кўп эканини кузатиш мумкин. 2012 йилда хорижий инвестициялар хажми 3277,55 миллион АҚШ долларни ташкил этган бўлса, булардан 2526,56 миллион АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир, яъни 79 фоиздан кўпроғи демакдир.

2012 йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Ўзбекистон сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.¹¹

4-жадвал

2012 йил давомида республикаимиз иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлар

Жалб қилинган хорижий инвестициялар умумий миқдори (млн.долл):	3718,65
I. Давлат инвестиция дастури доирасида жами	3277,55
- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар;	2526,56
- Ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар.	750,99
II. Худудий инвестиция дастури доирасида: (<i>тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар</i>)	441,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

¹¹ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

Ўтган йили фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилди.

Миллий иқтисодий ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти катта бўлиб, биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника-технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради; иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодийнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрадаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади; учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришни жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлаб, ишсизлик муаммосини ҳал этишга кўмаклашади; тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуrollантиради; бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади ва ҳоказо.

Ўзбекистонда сўнгги беш йил мобайнида инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати 9 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда ва бу дунёдаги юқори, барқарор кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Жаҳон миқёсида глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганини инобатга оладиган бўлсак, бугунги мураккаб шароитда биз эришган бу натижанинг аҳамияти ва моҳияти янада яққол аён бўлади.

Кейинги 10 йилда мамлакатимиз иқтисодийётига киритилган инвестициялар ҳажми 3,2 баробар ошган бўлса, шу даврда тўғридан-тўғри

хорижий инвестициялар ҳажми 20 баробардан зиёд ўсгани эътиборга сазовордир.¹²

Охирги йилларда амалга оширилиши тугалланган йирик инвестицион лойиҳаларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- Янги русумдаги 480дан ортиқ “МАН” автомобиллари ҳамда 7797 дона “Спарк М300” енгил автомобиллар ишлаб чиқарилди. (инвестиция ҳажми – 31,3 млн доллар ва 3 млн евро);
- Йилига 30,0 млрд куб.м. газни транзит қилиш қувватига эга бўлган “Ўзбекистон-Хитой” газ қувири ишга туширилди (инвестиция ҳажми – 3168,9 млн доллар);
- Кўкдумалоқ конида йилига 6 млрд. куб.м. йўлдош газлари утилизация қилиш станцияси қурилди (инвестиция ҳажми – 373,0 млн. доллар);
- Хаузак конида йилига 3 млрд. метр куб газни бирламчи тайёрлов мосламаси ишга туширилди (ЛУКОЙЛ билан ҳамкорликда) (инвестиция ҳажми – 302,8 млн. доллар);
- “Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон” йўналишидаги янги темир йўллар (инвестиция ҳажми – 34,4 млрд. сўм);
- “Навоий-Учкудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус” темирйўл линиясининг бта янги разъезди ишга туширилди (инвестиция ҳажми – 6,8 млрд. сўм);
- “Тўқимачи-Ангрен” йўналишида янги темир йўллар (инвестиция ҳажми – 85,4 млн. доллар).

Инвестициялар дастури доирасида 2012 йилда умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция объекти қуриб битказилди.¹³

2012 йилда қурилиши ниҳоясига етказилган энг йирик объектлар ҳақида гапирганда, Навоий иссиқлик электр станциясида Япониянинг “Мицубиси”

¹² И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

¹³ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 478 мегавольт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмасининг ишга туширилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши йилига қўшимча равишда 2 миллиард 800 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, бу лойиҳа ҳисобидан шартли ёқилғи истеъмолини 1,8 марта камайтиришга, ҳар йили 400 миллион куб метр газни тежаш ёки 110 миллион доллардан ортиқ маблағни иқтисод қилишга эришамиз.

Автомобиль саноатида Германиянинг дунёга машҳур “МАН” компанияси билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида йилига 3 мингта юк автомобили ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги комплексни бунёд этишнинг иккинчи босқичи якунланди.

Ушбу корхонада жаҳондаги энг юксак стандартлар асосида жиҳозланган юқори технологик ишлаб чиқариш ташкил этилди. Айтиш керакки, катта ҳажмдаги юкларни ташийдиган энг замонавий автомобиллар ишлаб чиқарадиган мазкур корхона нафақат мамлакатимиз эҳтиёжини қоплайди, балки бу машиналарни экспорт қилишни ҳам таъминлайди.

Муборак газни қайта ишлаш заводида 258 минг тонна суюлтирилган газ ва 125 минг тонна конденсат ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган заводнинг биринчи навбати фойдаланишга топширилди, “Шўртаннефтьгаз” корхонасида эса пропан-бутан қоришмаси асосида 50 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган қурилма ўрнатилди.

Яна бир йирик лойиҳа – умумий қиймати 250 миллион доллардан ортиқ бўлган Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг иккинчи навбатини қуриш ишлари давом эттирилмоқда. Бу борадаги ишлар якунига етгач, корхонада йилига 600 минг тоннагача калийли ўғит ишлаб чиқариш имкони пайдо бўлади ва бу маҳсулотнинг 350 минг тоннадан кўпроғи экспорт қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2012 йилда Сурғил кони базасида ҳатто дунё мезонлари бўйича ҳам ноёб бўлган, қиймати 25 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган Устюрт газ-кимё комплекси қурилиши

бошланди. Мазкур объектнинг қурилиши 2016 йилда ниҳоясига етказилади ва бу корхона 4 миллиард 500 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имконини беради.

Ушбу лойиҳа технологик жиҳатдан дунёдаги энг илғор лойиҳалардан бири бўлиб, энг юксак даражадаги газ-кимё технологияларини жорий этишни кўзда тутди. Бу, ўз навбатида, табиий газдан 97 фоизгача этан, пропан ва бошқа қимматбаҳо компонентларни ажратиб олишни таъминлайди.

Мазкур лойиҳада етакчи хорижий банклар консорциуми, давлат кафолатларини жалб этмаган ҳолда, лойиҳаларни молиялаштириш принциплари асосида иштирок этмоқда.

Дунёдаги йирик “Томсон Рейтер” бизнес-ахборот агентлигининг молия соҳасидаги жаҳонга машҳур “Прожект файненс интернешнл” журнали ушбу лойиҳанинг ноёблиги ва ишга новаторлик билан ёндашиш натижаси эканини қайд этиб, Устюрт газ-кимё комплекси қурилишини нефть-газкимё саноатидаги йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб тан олди.

2012 йилда Жанубий Африканинг “Сосол” компанияси ва Малайзиянинг “Петронас” корпорацияси билан ҳамкорликда қиймати 4 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган, тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш бўйича катта истиқболга эга бўлган йирик лойиҳани амалга ошириш бошланди.

Ушбу лойиҳа асосида барпо этиладиган завод дунёдаги санокли корхоналардан бири бўлиб, у синтетик суюқ ёқилғи – суюлтирилган газ, авиакеросин ва “премиум класс” тоифасидаги, яъни евро-4 стандартидан кам бўлмаган дизель ёқилғиси ишлаб чиқаради.

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши инвестицияларни узлуксиз амалга оширишни талаб қилади. Шу боис инвестицияларни, хусусан хорижий инвестицияларни устувор инвестицион лойиҳаларга жалб қилишга алоҳида эътибор берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012-йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек: “Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шарти ва манбаи бўлмоғи керак”¹⁴

8-расм



Шу мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон Республикасининг 2009-2014 йилларда 300дан ортиқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган дастури тасдиқланган. 2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестиция лойиҳалари дастури қиймати 42518 млн, АҚШ долларини ташкил этади. Уларнинг 21536 млн, доллари нефт ва газ тармоғига, 4517 млн. доллари энергетикага, 1876 млн доллари тоғ-кон ва металлургия саноатига, 1176 млн. доллари машинасозликка, 3078 млн. доллари кимё саноатига, 5787 млн. доллари транспорт инфратузилмасига, 983 млн. доллари қурилиш моллари ишлаб чиқаришга, 596 млн. доллари


¹⁴ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

“Навоий” эркин индустриал иқтисодий зонасига, 2101 млн. доллари бошқа тармоқларга йўналтирилади (8-расм).¹⁵

Бу эса ўз навбатида, мамлакат ички инвестиция салоҳиятининг юксалишини ва хорижий инвестициялар оқимининг йилдан-йилга ортиб боришини, шунга мос равишда макроиқтисодий кўрсаткичлар, шу жумладан, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ҳам ўсиб боришини таъминламоқда (9-расм).

9-расм

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда¹⁶




Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишини таъкидлар экан, бунинг боиси ва омилини авваламбор иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар тобора ўсиб бораётганида, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этганида, деб баҳолайди. Ўтган йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.¹⁷

¹⁵ Манба: “Жамият ва бошқарув” журнали, 2011 №2 48-51 бет.

¹⁶ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

¹⁷ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

2011 йилда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар экспорти ҳажми (млн.АҚШ доллар)¹⁸



Президентимиз Ислон Каримов раҳбарлигида мамлакатимизни модернизация қилиш, ўта рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қодир корхоналар ташкил этиш, республикаимизнинг экспорт салоҳиятини

¹⁸ Manba: www.stat.uz

ошириш жараёни Ўзбекистоннинг ички имкониятлари билан бирга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш ҳисобига амалга оширилмоқда.

Республикада иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4 мингдан кўпроқ корхона ташкил қилинди ва муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ҳар йили улар томонидан амалга оширилаётган экспорт ҳажми юқори ўсиб бормоқда (10-расм).

Бу эса хорижий инвесторларнинг республика иқтисодиёти барқарорлиги ва пишиқ-пухталигига, уни ривожлантириш истиқболларига қизиқиши ҳамда ишончи ортиб бораётганлигидан яққол далолат беради.

2.3. Ўзбекистонда хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизими

Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизни модернизация қилиш, ўта рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қодир корхоналар ташкил этиш, республикаимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш жараёни Ўзбекистоннинг ички имкониятлари билан бирга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш ҳисобига амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқларига инвестиция муҳитининг жозибадорлигини ошириш ва инвестиция жараёнларини жадаллаштириш мақсадида қулай инвестициявий муҳит шакллантиришда хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг қўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими белгиланди.

Шу билан бирга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганлиги, жаҳон ва минтақавий инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётганлиги мамлакатда яна ҳам қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, хорижий инвесторлар билан ишлашдаги мавжуд бюрократик ғовлар ва тўсиқларни бартараф этиш,

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик борасида қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинишини тақозо этмоқда.

Юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида Республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4434-сон Фармони қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур ПФ-4434-сонли Фармони билан хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларида кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек Республика йўл ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан

ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақли эканликлари белгилаб берилди.¹⁹

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими кўлами янада кенгайтирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари авваллари 8 та тармоқ фаолиятига тегишли бўлган бўлса, ушбу Фармон билан 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб, хорижий инвестициялар учун имтиёзлар 20 та йўналишдаги иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган чет эл инвестиция иштирокидаги корхоналарга татбиқ этиладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сонли Фармонида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари: тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари инвестициялар ҳажмидан келиб чиқиб, фойда солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлови, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиш кўринишида солиқ имтиёзлари берилган.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий жалб қилинган инвестициялар ҳажми:

300 минг АҚШ долларидан 3 млн. АҚШ долларигача бўлганда - 3 йил муддатга;


3 миллиондан 10 млн. АҚШ долларигача бўлганда - 5 йил муддатга;

10 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга солиқ имтиёзларидан фойдаланиши мумкинлиги белгиланган.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенгроқ миқёсда жалб қилиш, уларни ўз маблағларини мамлакатимиз иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида имтиёзли молиявий шароитлар яратилган. Улар қуйидаги чизмада ўз ифодасини топган.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4434-сон Фармони

Ўзбекистон Республикасида яратилган имтиёзли молиявий шароитлар



Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бир маромда фаолият юритиши ва инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши ва тартибга солиниши учун 50 дан зиёд тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳудудида хорижий компаниялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёни асосан ниҳоясига етказилди ва амалда қўлланмоқда. Бу фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг қуйидаги тизими ишлаб чиқилган:

- хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестицияларнинг катнашиши;
- техникавий қайта қуrollаниш;

- халқ истеъмоли ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

Ўзбекистон Республикаси хорижий инвестицияларнинг давлат фойдасига мусадара ва реквизиция қилинмаслигига кафолат беради.

Хорижий инвесторларнинг қонуний фаолияти доирасида ишлаб топган даромадлари хорижий валютада, чегараланмаган миқдорда чегарадан олиб ўтилиши давлат томонидан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш мақсадида инвесторларга бир қатор имтиёзлар (иқтисодий платформа) берилади.

Хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналар (савдо, воситачилик, хомашё етказиб берувчилардан ташқари) рўйхатдан ўтган кундан бошлаб:

- даромад (фойда) солиғидан биринчи йилнинг 25 фоизлик қисмидан, иккинчи йил 50 фоизлик қисмидан, учинчи йил 100 фоизлик озод қилинади, қишлоқ ҳудудида эса биринчи йилдан бошлаб бундай солиқдан 100 фоиз озод қилинади;

-мулк солиғидан 2 йилга озод қилинади;

-ишлаб чиқарган маҳсулотининг 30 фоиздан ортиғи экспортга чиқарилса, 50 фоиз даромад солиғидан (фойда солиғи), 15-30 фоизи экспортга чиқарилса, 30 фоиз даромад (фойда) солиғидан озод қилинади;

-ишлаб чиқариш билан банд бўлса, ер солиғидан 2 йилга озод қилинади.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида соҳаларга имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Унга кўра, нефть ва газ конларини очиш ва қидириш ишларига хорижий компанияларни жалб қилган корхоналар ушбу ишларни амалга ошириш даврида барча солиқлардан, шунингдек, зарур ускуналарни импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинади.

Мазкур соҳадаги корхона чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда очилса:

- нефть ва газ қазиб чиқарилган кундан бошлаб 7 йилга даромад (фойда) солиғидан;

- хорижий ҳамкорлар улушига мансуб капиталдан олинадиган даромад ва мулк солиғидан озод қилинади.

Енгил саноат соҳасида:

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар қўшимча қиймат солиғидан ташқари барча солиқлардан озод қилинади;

- ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқариш ускуналари, эҳтиёт қисмларни импорт қилишда корхоналар божхона тўловларидан озод қилинади.

Юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, шунингдек, Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.04.2012 йилдаги «Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида» Фармони қабул қилинди.

«Ангрен» махсус индустриал зонасининг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин. «Ангрен» МИЗ фаолият юритадиган муддат мобайнида унинг ҳудудида махсус солиқ тартиби ва божхона имтиёзлари амал қилади. «Ангрен» МИЗ қатнашчиси мақоми «Ангрен» махсус индустриал зонаси Маъмурий кенгашининг қарори билан берилади.

«Ангрен» махсус индустриал зонаси қатнашчилари:

- юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

- республикада ишлаб чиқарилмайдиган, лойиҳаларни амалга ошириш доирасида «Ангрен» МИЗ ҳудудига Вазирлар Маҳкамаси томонидан

тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёзлар киритилган инвестицияларнинг хажмига қараб 3 йилдан 7 йилгача муддатга берилади, шу жумладан эквиваленти:

- 300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ доллари гача бўлганда – 3 йил муддатга;
- 3 миллион АҚШ долларида ортиб 10 миллион АҚШ доллари гача бўлганда – 5 йил муддатга;
- 10 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга берилади.²⁰

2-боб бўйича хулоса

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда инвестиция соҳасида мустаҳкам қонунчилик базаси шаклланган бўлиб, у йилдан-йилга янада такомиллаштирилиб борилмоқда. Хусусан, республикаимизда инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги “Чет эл инвестициялари тўғрисида”, “Чет эл инвестицияларининг кафолатлари ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида” ҳамда 1998 йил 24 декабрдаги “Инвестиция фаолияти тўғрисида” қонунлар мамлакатимизда

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.04.2012 йилдаги «Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида» Фармони

инвестиция муҳитини яхшилашга ва иқтисодиётга инвестиция жойлаштириш ҳажмларини оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жаҳон амалиётида инвестициялар самарадорлигини оширишнинг энг устувор йўналиши сифатида тўғридан тўғри инвестицияларга катта аҳамият берилади. Чунки улар хорижий капитал иштирокидаги корхоналар кўринишида давлатнинг ҳудудий тақсимотида иштирок этади. Бу борада самарадорликка эришиш учун молиялаштириш манбаларидаги хорижий инвестицияларнинг улуши $\frac{3}{4}$ қисмини ташкил этиши ҳамда унинг асосий қисмини тўғридан тўғри инвестициялар ташкил этиши лозим бўлади.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш инвестицияларни, хусусан, турли соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини амалиётга самарали татбиқ этиш билан таъминланади. Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ҳажмига қараб иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар ва силжишлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

3.1. Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг устувор тармоқларни ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва имкониятдан самарали фойдаланишга, турли хил рискларни, мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда бойликларни самарали жойлаштиришга ва шу йўл билан республика иқтисодиётини кўтаришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига, чет эл инвестицияларининг кириб келишини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни, кўпроқ иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция сиёсатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

- Таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш;
- Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш;
- Техник ва технологияларни асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш;
- Текник ва технологик қайта жиҳозлаш;
- Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш;
- Чет эл инвестицияларни кенг жалб қилиш;
- Хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратиш;
- Инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини комплект ва жадал равишда ривожлантириш;

- Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни жиҳозлаш;

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни салоҳиятини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш.

Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит шакллантиришда хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг кўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими белгиланди.

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. Инвестиция муҳити – бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт шароитлар мажмуи. Инвестиция муҳити энг аввало қуйидаги иқтисодий омиллар орқали белгиланади: табиий шарт-шароитлар, шу жумладан фойдали қазилмаларзахиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртача иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сиғими ҳамда товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими ҳолати, солиққа тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг белгиланганлиги ва ҳоказо.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуrollантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни катта. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи мустақил омиллардан бири бўлган.

Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни амалга оширишда биринчи навбатда хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестиция

мухитини яратиш ҳукумат ташқи иқтисодий фаолиятини диққат марказида бўлди. Хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда ҳукумат қуйидаги тамойилларга асосланади:

- Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

- Республика иқтисодиётига бевосита сапитал маблағини кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

- Республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган ва иқтисодиётнинг замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий инвесторларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини юргизиш;

- Маблағни Республика мустақиллигини таъминлайдиган, импорт ўрнини қопловчи ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишда жамлаш.

Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни миллий корхоналарга жалб этишда қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб олинган:

- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш;

- Минерал хомашё ресурсларини, шу жумладан, нефт ва газни қазиб чиқариш, қайта ишлаш бўйича экологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

- Транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш;

- Иқтисодиётнинг барча тармоқларига илм талаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;


- Туризм соҳасини ривожлантириш, халқаро ва ички туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратишга эришиш.

Ўзбекистон давлати мустақиллигига эришган дастлабки йилларидан бошлаб миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос йўналишини белгилаб олди. У иқтисодиётнинг ривожланиши ва барқарорлигида инвестицияларнинг беқиёс ўрин тутишини ўз вақтида тўғри англаб етганлигининг натижасида инвестицияларга, хусусан, чет эл

инвестицияларига бўлган эътиборининг кучайиши юз бердики, бу мамлакатимиздаги инвестиция фаолиятининг ривожлантирилишига олиб келди (12-расм).

12-расм

Ўзбекистон Республикаси 2005-2011 йилларда инвестициялар ўсиш суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)²¹



Расмдан кўринадики, ўсиш суръатлари 2008 йилгача, яъни жаҳон молиявий инқироzi бошланган йилгача ўсиб борган ва 2008 йилда энг юқори кўрсаткичга эришган. 2005-2011 йилларда инвестиция соҳасидаги макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳам яхшиланиб борди (5-жадвал). Бугунги кунда ривожланган инвестицион фаолиятнинг йўлга қўйилишини ҳукуматимиз юритаётган оқилона инвестиция сиёсатининг маҳсули эканлигини таъкидлаш лозим.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари

**2005-2011 йилларда инвестиция соҳасидаги макроиктисодий
кўрсаткичлар динамикаси**

Кўрсаткичлар	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Амалдаги баҳоларда, жами, млрд. сўм	3165,2	4041,0	5479,7	8587,1	12531,9	15409,1	20721,8
Жорий йилга нисбатан % ҳисобида	107,0	109,1	122,9	128,3	124,8	109,2	112,6
ЯИМда инвестиция миқдори, %	20,8	19,5	19,4	22,7	26,1	24,9	26,8
Марказлашган инвестициялар амалдаги баҳоларда, млрд. сўм	755,8	915,8	1099,7	1717,0	2517,9	2855,3	4696,5
Капитал қўйилмаларида марказлашган инвестициялар миқдори, %	23,9	23,1	20,1	20,0	20,1	18,5	22,7
Марказлашмаган инвестициялар амалдаги баҳоларда, млрд. сўм	2409,4	3109,0	4380,0	6870,1	10014,1	12553,8	16025,4
Капитал қўйилмаларида марказлашмаган инвестициялар миқдори, %	76,1	76,9	79,9	80,0	79,9	81,5	77,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари

Давлат томонидан хорижий инвесторлар учун яратилаётган имтиёз ва преференцияларни кенгайтириш ва либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар изчил давом эттирилмоқда. Ўзбекистонда 2012 йилда мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада яхшилашга йўналтирилган бир қатор қўшимча муҳим қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий нормалар қабул қилинди.²²

²² И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

Мамлакатимизда яратилган ишбилармонлик муҳити қулай инвестициявий жозибадорликнинг муҳим таркибий қисми ва омилидир. Ўзбекистонда Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган методологияга мос ва мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш, арзонлаштириш ва уларнинг очиклигини таъминлашга йўналтирилган комплекс дастур қабул қилинди.

2012 йил давомида мазкур дастур доирасида олтита муҳим қонун, жумладан, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар, шунингдек, рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, солиқ ва статистик ҳисоботларни қисқартиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ва норматив актлар мажмуаси қабул қилинди.

Рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, лицензияланиши талаб этиладиган 15 та фаолият тури бекор қилинди, статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг шакллари ва даврийлиги бир ярим-икки баробар қисқартирилди. Давлат ва назорат қилувчи идораларнинг тадбиркорлик субъектлари билан электрон шаклдаги билвосита алоқаси босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бизнесни рўйхатга олиш жараёни “бир дарча” тамойили асосида атиги икки кун ичида амалга оширилади ва бу энг яхши халқаро амалиёт талабларига тўла мосдир.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили жорий этилган бўлиб, бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ қонунчиликдаги бартараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршилик ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъекти фойдасига талқин қилиниши белгилаб қўйилган.

Юртимизда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар ўзининг илк натижаларини кўрсатаётганини таъкидлаш жоиз.

Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, 2012 йилда Ўзбекистон бизнесни юритиш бўйича рейтингда 14 ўрин юқорига кўтарилди.

Айни пайтда мазкур йўналишда яна кўп ишларни амалга ошириш лозимлигини таъкидлаш керак. Мамлакатимиздаги ишбилармонлик муҳити жаҳон тажрибасида қабул қилинган бизнесни юритиш мезонларига қай даражада мос келишини доимо кузатиб боришимиз ва тегишли қарорлар қабул қилишимиз зарур. Вазирлар Маҳкамаси бу ишга раҳбарлик қилиши, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси бу масала билан тизимли асосда шуғулланиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.²³

Юртимизда инвестиция салоҳияти йилдан-йилга барқарорлашиб бораётган бўлсада, лекин ҳозирча республика иқтисодиётига йирик ҳажмдаги инвестициялар аста-секинлик билан кириб келмоқда. Бунга Ўзбекистоннинг денгиз савдо йўлларига тўғридан-тўғри чиқа олмаслиги, телекоммуникация алоқаларининг етарлича ривожланмаганлиги, қимматли қоғозлар бозорининг суст ривожланаётганлиги, маъмурий тартибга солиш усуллариининг мураккаблиги сабаб бўлмоқда. Шу боисдан ушбу муаммоларни бартараф қилиш ва хорижий инвесторлар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш муҳим. Бу борада қатор ишлар ва чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг вазифалари қайта кўриб чиқилди ва унинг миллий валютани конвертацияси ҳамда импорт контрактларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган вазифалари бекор қилинган.

Республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш учун уларни тартибга солиш усуллариини такомиллаштириш ва қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ўйлаймиз:

- Инвестиция лойиҳаларини малакали экспертлар назоратидан ўтказиш ва мукамал тайёрланишига эришиш;

²³ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

- Қўшма корхоналар ва хорижий инвестиция иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдаги тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш.

Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнида қуйидаги қўшимча тадбирлар амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ташкил этишда таъсисчилар шартномасида томонларнинг улушининг миқдори ва кўриниши, дастлабки фаолиятнинг қанчаси устав капитали ҳисобидан ёки кредит ҳисобидан амалга оширилиши, кредитга қим кафолат бериши ва устав капиталнинг кейинги даврда ўсиб бориш тартиблари аниқ белгиланиши зарур;

- эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш, махсус давлат дастурини ишлаб чиқиш ва маконлар фаолиятини муофиқлаштиручи давлат органини ташкил этиш;

- табиий қазилмаларни қайта ишлаш, ўзлаштириш бўйича қонунлар ва қарорлар ишлаб чиқиш ва алоҳида бойликларнинг турлари бўйича махсус қонун қабул қилиш;

- тендер қўмиталарини ташкил этиш ва ҳ.к.

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солиш, биринчи навбатда, барча хўжалик юритиш босқичларида жамғармалар ўсиши суръатларини рағбатлантириш ва истеъмол даражасини пасайтиришга йўналтирилган бўлиши керак. Бунга, фикримизча, иқтисодиётдаги хўжалик юритувчи субъектлардан, хорижий инвесторлардан ундириладиган солиқларнинг тартибга солувчилик амал қилишини кучайтириш орқали таъминлаш мумкин. Инвестиция фаолиятини тартибга солиш тизими доирасида солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияларини кучайтириш инвестицияларни молиялаштиришда бозор механизмлари ролини кенгайтиришга олиб келади. Фикримизча, хорижий инвесторларни ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиргунларига қадар барча кўринишдаги божхона тўловлари, солиқлар, йиғимлардан озод қилиш мақсадга

мувофикдир. Ҳар бир аниқ шароитда имтиёзли солиққа тортиш режимини ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ўзлаштиргандан кейин амалга ошириш фойдалидир.

Республикада инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ишлаб чиқариш технологияларини сотиб олиш, глобал илмларни эгаллаш, солиқларнинг тартибловчи ролини такомиллаштириш, уларнинг рағбатлантирувчилик ролини кучайтиришга қаратилиши лозим. Бунда асосий вазифа - чет эллик ҳамкорларга капитал қўйишда энг самарали йўналишларни таклиф этишдан, ўзаро манфаатлар соҳаларини белгилашдан, инвесторларга кафолатлар ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг барча шакллари фаол жалб қилишда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар қўйидагилардан иборат: мамлакатнинг ҳудудий ва тармоқ тизимини такомиллаштириш нуқтаи назардан инвестициялашга таъсир этувчи омилларни мувофиқлаштирган ҳолда қулай инвестицион муҳитни яратиш; гуруҳланган омиллар натижасида, нафақат, ҳудудларнинг балки барча микробосқичларда чет эл инвестициясини жалб этиш буйича рейтинг кўрсаткичларини ҳисобга олиш; чет эл инвестициясини жалб этувчи ҳамда шу асосда товар экспорт қилишни кўпайтирувчи корхоналар учун имтиёزلарни кенгайтириш; инвестиция лойиҳаларини иқтисодиётнинг макро ва микро даражасидаги эҳтиёж ва имкониятларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқиш асосида халқаро молия институтларининг республикада очган кредит линияларидан тўла-тўқис фойдаланишни таъминлаш; чет эл инвестицияларини тез қарор қабул қилишлари учун ҳисоб ва ҳисобот тизими самарадорлигини ошириш каби қўшимча тадбирларни амалга ошириш зарур. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётимизга янада кенгроқ жалб этилишига имкон беради, деб ҳисоблаймиз.

3.2. Инвестицияларнинг тармоқлараро тақсимланишини ривожлантириш чора-тадбирлари

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилиш шароитида иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғида барқарорликни таъминлаш энг долзарб мавзуга айланди. Шу сабабли ҳар бир тадбиркор ва мулк эгасидан, қолаверса, корхона раҳбаридан катта масъулият талаб этилади. Бу борада И. Каримов таъкидлаганларидек, “...ҳар бир алоҳида йўналиш учун масъул бўлган ижрочилар томонидан ўзига юклатилган вазифаларни тармоқ комплекслари ва ҳудудлар бўйича амалга оширилишини қатъий ва тизимли равишда назорат қилишни тақозо этади”.²⁴

Ўзбекистон инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришнинг ташқи манбалари билан бир қаторда, ички манбалардан ҳам оқилона фойдаланишга ҳаракат қилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбаларидан фойдаланиш учун, ушбу соҳанинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини таъминлаш, унинг очилмаган ва ўрганилмаган қирраларини ўрганиш, амалиётга татбиқ этиш ҳамда такомиллаштириб бориш лозим.

Кейинги пайтларда давлат бюджети томонидан бир қатор йирик ишлаб чиқариш мажмуалари молиялаштирилмоқда. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилиш шароитида давлат миллий иқтисодиётимиз учун зарур бўлган маҳсулотларни (иш, хизматларини) ишлаб чиқарувчи объектларни молиялаштиради. Хусусийлаштиришнинг кенгайиши ҳамда хусусий секторнинг ривожланиб бориши билан давлат бюджети маблағлари эвазига инвестициялаш камайиб боради. Бундай ҳолларда бозор иқтисодиётига ўтиб бораётган мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам давлат бюджети томонидан тиббиёт, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият, маориф ҳамда бошқа ижтимоий соҳалар лойиҳалари

²⁴ И.А.Каримов. «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир». //Халқ сўзи. 30.01.2010

молиялаштирилди. Бу эса ижтимоий соҳанинг ривожланишида жуда муҳим ўрин эгаллайди.


Бунга мисол сифатида, кейинги пайтларда мамлакатимизда кенг миқёсда курилиб фойдаланишга топширилаётган соғлиқни сақлаш муассасалари, академик лицейлар ҳамда касб-хунар коллежларини ва бошқаларни олишимиз мумкин. Бундай мақсадлар учун давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар ҳамда бошқа манбалардан маблағ ажратилади. Республикамиздаги мавжуд корхоналар ривожланиб, молиявий жиҳатдан барқарорлашиб бормоқда. Бунда асосан корхонанинг ўзини-ўзи молиялаштириш маблағлари қуйидагилардан ташкил топиши кўзда тутилади:

- Корхонанинг тақсимланмаган фойдаси;
- Амортизация ажратмалари фонди;
- Акциялар чиқариш ҳисобига шакллантирилган маблағлар;
- Махсус фондлар.

Ушбу санаб ўтилган маблағлар манбаида корхоналар ўз ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришда, янги ишлаб чиқаришни барпо қилишда, модернизациялаш ёки техник-технологик жиҳатдан янгиланишда, айланма маблағларни қўпайтиришда фойдаланишлари мумкин. Ҳозирги кунда қўпгина корхоналарни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан субсидиялар ва бошқа ёрдам маблағлари ажратилмоқда. Давлат томонидан олиб борилаётган қўллаб-қувватлаш сиёсати асосида корхоналарга, айниқса эндигина иш бошлаган хорижий инвестицияли ёки бошқа турдаги кичик ва ўрта корхоналарга солиқ имтиёзларини бериш ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Корхоналар мана шу имтиёзли давр мобайнида солиқ тўловларини амалгам оширмайдилар ва шу суммаларни ўз ишлаб чиқаришини кенгайтириш га йўналтирадилар. Бундан ташқари, корхоналар ўзларига кераксиз бўлган асосий восита ва бошқа мулкларни сотиш ёки ижарага бериш орқали ҳам қўшимча маблағларга эга бўлишлари мумкин.

Молиялаштириш манбалари ²⁵

Капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг манбалар бўйича гуруҳланиши.



Инвестиция лойиҳаларини турли хил манбалар ҳисобига молиялаштиришда банк кредитлари алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг ҳисобига олиб, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда банк тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Қисқа давр мобайнида банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўнлаб қонун ва қарорлар, йўриқнома ва тадбирлар ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда республикаимизда бир қатор тижорат банклари фаолият юритмоқда. мамлакатимиздаги хўжалик

²⁵ Манба: //Бозор, Пул ва Кредит. 10 (173) 2011. 50-бет.

юритувчи субъектларга ўз фаолиятларини ривожлантиришлари учун кредитлар ажратилмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича қарорларни қабул қилинишининг натижасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ортиқча аралаштиришлар, кераксиз текширишлар, улар фаолиятига тўсқинлик қилувчи салбий кучларга барҳам берилди. Бундан ташқари, улар фаолиятини тижорат банклари томонидан кредитлашда, ортиқча ҳужжатларни талаб қилиш ва кредитлаш муаммоларини кечиктириш ҳолатларига ҳам чек қўйилди.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестициядан самарали фойдаланиш меҳнат унумдорлиги, моддий-техника ҳамда маҳаллий хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланишдан ташқари, инвестиция йўналишини ва иқтисодий тармоқлараро тақсимланишини тўғри ташкил этиш билан ҳам бевосита боғлиқдир. Бунда инвестициялаш имконини вужудга келиши ўз навбатида мамлакатимизда инвестициядан самарали фойдаланиш, тўғри йўналтириш ва тармоқлараро тақсимотини такомиллаштириш масаласини юзага келтиради. Келтирилган муммони ҳал қилиш учун замонавий компьютер дастурларидан фойдаланиб, омили, регрессион, классификациялаш, дискриминацион таҳлилларни комплекс равишда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Албатта бу борада АҚШ ва Европа мамлакатларида етарлича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, инвестицияларни ноаниқлик ва таваккалчилик шароитида оптимал тақсимланишининг Шарп, Марковиц моделлари мавжуд бўлиб, улар асосида инвестицияларни тақсимланишининг кўп мезонли оптемаллаштириш моделлари яратилган. Бу моделлар асосан инвестициялар икки хил мезон, яъни инвестициялардан олинadиган даромадларни максималлаштириш ва таваккалчилик даражасини минималлаштиришдан иборат. Ушбу моделлар АҚШ, Европа мамлакатлари иқтисодиётида ўзининг қўлланилиш самарасини топган. Бундан ташқари, Россия ва Украина давлатларида Шарп-Марковиц моделларининг модификацияланган

шаклларидан бўлмиш хорижий инвестицияларни тармоқлараро оптимал тақсимланиш моделлари ҳозирги вақтда фойдаланиб келинмоқда. Ушбу моделлар корхоналарнинг жорий ҳолати асосида инвестицияларни тақсимлаш усули сифатида таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашда инвестицияларнинг аҳамияти катта. Шу боис Ўзбекистон мустақилликга эришган дастлабки кунидан бошлаб бу борада бир қатор ижобий амалий ишлар олиб борилмоқда ва давом эттирилмоқда.

Президентимиз томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, “2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор. Бу борада 2013 йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади”²⁶.

Ўзбекистон Республикаси 2013 йилда умумий қиймати 3,085 млрд. доллар бўлган 115 та лойиҳани амалга оширишни режалаштирган.

Мамлакатимизда 2013 йил учун амалга ошириш белгилаб олинган инвестиция дастурида молиялаштиришнинг сезиларли қисми корхона маблағлари (30 фоиз) ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш (17 фоиз) орқали амалга оширилиши режалаштирилган (14-расм).

²⁶ Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи. 2013 йил 21 январь.

**Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурининг 2013 йил учун
белгиланган асосий кўрсаткичлари (миллиард сўм)**



Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, аҳоли маблағлари, Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари ҳисобига 2013 йилда жами инвестицион маблағларнинг 29 фоизи тўғри келиши назарда тутилган. Бундан кўриниб турибдики, асосий эътибор корхона маблағлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кўламини ошириш ва бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик қувватларини модернизация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали аҳолининг юқори даромад олишига эришиш, шу асосда халқимиз фаровонлигини ошириш мақсад этиб қўйилган.

2013 йил учун ишлаб чиқилган Инвестиция дастурига кўра ушбу мақсадлар учун ажратилаётган 13 миллиард долларнинг 75 фоизини ички манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган маблағлар, қолган қисmini жалб этиладиган хорижий инвестициялар ташкил этади.

**2013 йил давомида жалб қилиниши режалаштирилаётган хорижий
инвестиция ва кредитлар (миллион АҚШ долл.)**

Кўрсаткичлар	2013 йил
Жалб қилиниши кўзда тутилган хорижий инвестициялар умумий миқдори:	3016,7
Давлат инвестиция дастури доирасида	3233,8
Худудий инвестиция дастурлари доирасида	490,0
шу жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар	2180,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий йўналишлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.

Мамлакатимизда инвестицион муҳитнинг жозибадорлиги натижасида инвесторлар иқтисодиётимизни ривожлантириш учун кўплаб миқдорда сармоя киритмоқдалар. Мамлакат иқтисодиётига инвестициялар киритилар экан, инвестициялардан самарали фойдаланиш учун уларнинг йўналиши ва тақсимланишини тўғри ташкил этиш ва шу асосда тартибга солиш йўллари излаб топиш масаласи юзага келади. Бундан кўринадикки, ташқи инвестицияларни, шу жумладан чет эл сармоясини кенг кўламда жалб қилиш ҳозирги миллий иқтисодиёт таркибини қайта қуриш мақсадларига эришишнинг зарур шarti бўлиб, киритилган инвестициялардан фойдаланишни тўғри ташкил қилиш ва тартибга солиш фойдаланилаётган инвестициялар самарадорлигини оширишнинг асосий мезонларидан бири сифатида намоён бўлади. Кейинги вазифа инвестицион жараёнлар бошқарувини тўғри ташкил этишдан иборат бўлиб, бу соҳада ижобий ишлар амалга оширилган бўлсада, ҳал этиши лозим бўлган бир қатор вазифалар мавжуд. Жумладан:

- Киритилаётган инвестицияларни диверсификациялаш яъни киритилаётган инвестицияларни тармоқлараро тўғри тақсимланишини асослаш;

- Инвестицияларни тармоқлараро (корхоналараро) тақсимланишида аниқ илмий асосда чегаравий миқдорларни (қуйи ва юқори чегаралари) белгилаш. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, барча жараёнларни чегараси бўлгани каби, хорижий инвестициялардан фойдаланишнинг ҳам чегараси мавжуд бўлиб, бу ҳозирги мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва янги техника-технология билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган жамғармалар ташкил топган бир даврда уларнинг йўналиши ҳамда тақсимланишини тўғри ташкил қилишни тақозо этади. Бу эса, барча ресурсларнинг чегараланганлигини эътиборга оладиган бўлсак, киритилаётган инвестицияларни ҳам фойдали бўлишини таъминлайди;

- Жалб қилинган инвестицияларнинг иқтисодий тармоқлараро (корхоналараро) оптимал тақсимланишини йўлга қўйиш;

- Инвестициялардан самарали фойдаланиш самарадорлигини оширишда юзага келадиган хатарлилик ва таваккалчилик даражаларини аниқ илмий ҳисобини аниқлаш;

- Иқтисодиёт тармоқларига тақсимланаётган инвестицияларнинг эконометрик ва иқтисодий математик моделлар тизимини ишлаб чиқиш;

- Ишлаб чиқилган эконометрик ва иқтисодий-математик моделлар асосида республикамизга жалб қилинадиган инвестицияларнинг келажакдаги ҳажмини прогноз қилиш ҳамда тармоқлараро тақсимланишини белгилаш;

- Инвестициялар тақсимланишини кўп вариантли сценарийли ечимларини махсус компьютер дастурлари (LPX, Mathcad, PER, Ewiev, Statistica) асосида оптимал режаларини ҳисоблаб чиқиш ва уларга асосан самарали хўжалик қарорларини қабул қилиш;

- Республика миллий иқтисодиётида инвестицияларнинг тармоқлараро тақсимланишининг мавжуд усулларини замонавий эконометрик ва иқтисодий-математик моделлаштириш воситалари асосида такомиллаштириш.

Ушбу келтирилган вазифаларни амалга ошириш учун, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ва инвестициялардан самарали фойдаланишда юзага

келадиган хатарларни олдиндан кўра билиш ва илмий асосланган чора тадбирлар ишлаб чиқиш, корхона фаолиятининг барқарор ўсишини ҳамда глобал рақобатбардошликка эришишни таъминлаш — инвестиция самарадорлигига таъсир этувчи омилларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда улар орасидаги микдорий боғланишларни аниқлаш тақозо қилинади. Шу нуқтаи назардан қараганда, киритилаётган инвестицияларнинг тармоқлараро тақсимланишининг инвестиция самарадорлигини оширишда таваккалчилик ва ноаниқлик муносабатларини эътиборга олган ҳолда мос динамик моделлар асосида ўрганиш нафақат илмий-назарий, балки муҳим амалий аҳамият касб этади. Шу боис, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора тадбирларини белгилашда ташқи омиллар таъсирини ҳам ҳар томонлама ҳисобга олиш, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи назаридан шакллантириш ҳамда уларни изчил амалга ошириш тақозо этилади. Бу борадаги чора-тадбирлар асосида иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатларини ҳамда иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш, таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва иқтисодиётни модернизациялаш, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестициялардан самарали фойдаланиш меҳнат унумдорлиги, моддий-техника ҳамда хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланишдан ташқари, инвестиция йўналишини ва иқтисодий тармоқлараро тақсимланишини тўғри ташкил этиш билан ҳам бевосита боғлиқдир. Ҳозирги кунда инвестициялар кўпроқ ундан олинadиган даромадни ҳисобга олган ҳолда киритилмоқда. Бу эса, айрим ҳолларда ошиқча маблағларни фойдасиз туриб қолишини ёки инвестиция киритилишида юзага келадиган таваккалчилик ҳамда хатарлилик даражасини аниқламасдан оқибатида ишлаб чиқариш жараёнининг тўлиқ қувват билан ишлаш имкониятини чегараланиб қолишига олиб келмоқда. Бундай муаммони бартараф этиш учун албатта, инвестициялаш ва улардан фойдаланиш жараёнларини чуқур ўрганиш, унга таъсир этувчи омилларни эконометрик ва иқтисодий-математик усуллар асосида таҳлилларни олиб

бориш, таҳлил натижаларини умумлаштирган ҳолда илмий асосда инвестицияларнинг иқтисодий тармоқлараро тақсимланиши ва тўғри йўналишининг (маълум бир тармоққа йўналтирилган инвестиция бошқа тармоқларга нисбатан кўпроқ даромад келтириши мумкинлиги) адекват моделлари тизимини яратиш лозим бўлади.

Шунингдек, ушбу моделлар тизими таваккалчилик ва хатарлилик даражаларини, киритиладиган инвестиция миқдори чегараларини, яъни қандай миқдорда киритиладиган инвестиция миқдори танлаб олинган тармоқда оптимал қийматда бўлишини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқиши лойиҳада қўйилган мақсадни янада такомиллаштиришга олиб келади. Бундан ташқари, ишлаб чиқилган моделлар тизимини компьютер технологиясида ечиш имконияти ҳисоб-китоб жараёнларини энгиллаштиришга, вақтдан унумли фойдаланишга ҳамда аниқликка эришилишига олиб келади.

3.3. Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилишда хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўналишлари

Ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш муҳим устувор вазифалардан биридир. Президентимиз таъкидлаганидек, “2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор”²⁷

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Жумладан, “Женерал Моторс Павертрейн Ўзбекистон” қўшма корхонасида юқори технологиялар асосида

²⁷ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

автомобил двигателлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, автомобил генератори ва компрессорлари ишлаб чиқариш бўйича қувватлар барпо этилди, энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиҳа амалга оширилди.

Шулар қаторида “Зенит электроникс” қўшма корхонасида “Самсунг” кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтда маиший газ плиталари, кондиционерлар, электр пилесослар ва бир қанча бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

“Муборак газни қайта ишлаш заводи” унитар шўба корхонасида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида пропан-бутан аралашмаси қурилмасининг биринчи навбатини, Самарқанд вилоятида “МАН” юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуанинг дилерлик марказини бунёд этиш ишлари якунига етказилди.

Навоий иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмасини барпо этиш, Ўзбекистон-Хитой газ қувурининг учинчи йўналиши каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда қурилиш-монтаж ишлари қизғин паллага кирди.

Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона муваффақиятли фаолият юрита бошлади, унинг ҳудудида янги ташкил этилган корхоналарда спидометрлар, автомобиллар учун ўтказгичлар, компрессорлар, рақамли телевизион тюнерлар, энергияни тежайдиган лампалар, ёритиш ускуналари, диодли лампалар, модемлар, полиетилен ва полипропилен қувурлар, косметика воситалари ҳамда тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон миллий автомобил магистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳалар доирасида 302,5 километр узунликдаги йўлга замонавий қоплама ётқизишиб, реконструкция қилинди. Тошкент ва Бухоро шаҳарлари аэропортларининг маҳаллий йўналишларда хизмат кўрсатадиган йўловчи терминаллари фойдаланишга топширилди.

Тошкент – Самарқанд йўналишида мазкур икки шаҳар ўртасидаги 344 километр масофани атиги 2 соатда босиб ўтадиган, юқори тезликда ҳаракат қиладиган “Талго-250” йўловчи электр поездлари қатнови йўлга қўйилди. Бу поездлардан фойдаланиш мақсадида темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш ва такомиллаштириш бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, 600 километр узунликдаги йўллар қайтадан тикланди, 68 километрдан иборат янги темир йўллар ётқизилди, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари темирйўл вокзаллари реконструкция қилинди ва қайтадан жиҳозланди.

Ўтган йиллар мобайнида телекоммуникация тизимини ривожлантиришга қаратилган бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, Жиззах – Булунғур йўналиши бўйлаб 73 километр узунликдаги оптик толали алоқа линияси ўтказилди, мобил алоқа ва Интернет тармоғи кўлами тобора фаол кенгайиб бормоқда. Юртимизда аҳолига рақамли телевидение хизмати кўрсатиш ҳажми 38 фоизга етгани ҳам шу борадаги улкан ишларимизнинг амалий натижасидир.

2011-йилда логистика марказлари фаолияти жадаллашди. Хусусан, “Навоий халқаро интермодал логистика маркази” орқали 50 минг тонна юк ташилди. “Ангрен логистика маркази” ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан Қамчиқ довони орқали 4 миллион 200 минг тонна, яъни 2010-йилга нисбатан 1,3 баробар кўп юк ташилди.²⁸

2013 йилда умумий қиймати 1,222 млрд. доллар бўлган 73 та янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш ва ишлаб турган қувватларни модернизация қилиш бўйича қиймати 1,863 млрд. доллар бўлган 42 та лойиҳани амалга ошириш кўзланган.

“Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компанияси 2013 йилда жами қиймати 440,5 млн. долларлик 6та объектни ишга тушириш режалаштирган. Хусусан, Бухоро вилоятидаги “Газли” қонида компрессор станцияси қурилиши

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнингасосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

тугалланади, Тошкент вилоятида базавий мойлар ишлаб чиқариш ташкил этилади ва Навоий шаҳрида иситиш ускуналарини ишлаб чиқариш бошланади.

“Ўзбекэнерго” ДАК умумий қиймати 215,3 млн. доллар бўлган 18та объект эксплуатацияга топширилади.

“Ўзкимёсаноат” ДАК қиймати 254,8 млн. долларлик Дехқонобод калийли ўғитлар заводини иккинчи навбатдаги қуриш ишлари давом эттирилмоқда. Бу лойиха завод қувватини 3 баробарга ошириб, йилига 600 минг тонна калийли ўғит ишлаб чиқариш имконини беради ва бу маҳсулотнинг 350 минг тоннадан кўпроғи экспорт қилинади.

2013 йилнинг охиригача “Ўзбекенгилсаноат” ДАКда умумий нархи 194,8 миллион долларга тенг бўлган 28 та инвестиция лойиҳасини эксплуатацияга топшириш режалаштирилган. Бу лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш 3,7 мингдан ортиқ иш ўринларини ташкил этилишни таъминлайди.

Ўзбекистонда 2010 йилнинг декабрида, 2010 – 2015 йиллар учун, енгил саноатни ривожлантириш дастури тасдиқланди. У 55 та лойиҳадан иборат бўлиб, мамлакатнинг турли ҳудудларида вертикал интеграллашган тўқимачилик мажмуаларини ҳам қамраб олган. Инвестицияларнинг жами нарҳи 3,8 миллион доллар. Чет эл инвестицияларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилишда мамлакат раҳбарияти томонидан юзага келтираётган қулай шароитлар тўқимачилик саноатига ҳам ижобий натижалар бермоқда. Инвестицияларнинг тенг ярми (1,9 млрд.) Сингапур, Корея, Россия, Туркия, Япония, Швейцария каби хорижий мамлакатларнинг компанияларига тегишли. Ҳозирги кунларда Ўзбекистоннинг тўқимачилик маҳсулотлари МДХга, жумладан, биринчи навбатда, Россия Федерациясига, Туркия, Кореяга экспорт қилинмоқда.

2013 йил ва яқин истикболдаги прогноз кўрсаткичлари шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик саноатида ишлаб чиқариш прогноз

кўрсаткичлари кескин ўсиб бормоқда. Хусусан, автобус ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичлари 2012 йилдаёқ ошиб кетганини кўриш мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, яқин ва узоқ истиқболда инновация сифими юқори ва юқори технологик саноат маҳсулотларини (енгил ва юк автомобиллари, музлаткичлар, телевизорлар, энергия тежовчи чироқлар ва бошқалар) ишлаб чиқариш кескин ўсиб боради (7-жадвал).

7-жадвал

Асосий турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнози

№	Саноат маҳсулотлари турлари	Ўлчов бирлиги	2012	2013 (прогноз)	2014 (прогноз)	2015 (прогноз)
1	Енгил автомобиллар	минг дона	235,5	245,0	250,0	260,0
2	Автобус ва юк автомобиллари	минг дона	3,7	3,0	3,1	3,2
3	Кучли ток кабеллари	минг км	13,6	13,5	14,0	14,5
4	Музлаткичлар	минг дона	17,8	90,0	95,0	110,0
5	Телевизорлар	минг дона	26,7	105,0	109,0	112,5
6	Энергия тежовчи чироқлар	минг дона	2007,6	28400,0	28700,0	28870,0
7	Калий ўғитлари	минг тонна	125,3	200,0	300,0	450,0
8	Калцийланган сода	минг тонна	92,0	100,0	100,0	100,0
9	Қурилиш ойнаси	минг кв.м.	13051,4	12140,0	12530,0	13000,0
10	Керамик плиталар	минг кв.м.	4350,0	3800,0	4500,0	5800,0
11	Пахтадан ип-калава	минг тонна	140,6	345,6	435,2	524,0
12	Тайёр газмоллар	млн.кв.м.	56,4	241,4	268,2	304,0
13	Трикотаж буюмлар	млн.дона	64,6	132,7	162,3	241,3
14	Пайпоқлар	млн.жуфт	3,2	30,2	42,1	48,0

Изоҳ: Прогноз кўрсаткичлари “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Дастур параметрларидан олинган.

Шу билан бир қаторда, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ижобий тенденциясини кимё саноатида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, тармоқда олиб борилаётган модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ислохотлари натижасида келажакда каллибли ўғитлар ишлаб чиқаришни 4 маротабага ошириш имконияти яратилмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимиз енгил саноати салоҳиятидан оқилонга фойдаланиш натижасида ушбу соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиши кузатилмоқда ва бу тенденция истиқболда янада ўсиб боради.

Яқин ва узоқ истиқболда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиб боришига иқтисодий ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланиш жадаллаштириш ва кўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш борасидаги ислохотлар замин яратади.

Хусусан, Президентимиз томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, “Бу борада 2013 йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақсадлар учун ажратилаётган 13 миллиард долларнинг 75 фоизини ички манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган маблағлар, қолган қисмини жалб этиладиган хорижий инвестициялар ташкил этади”²⁹.

Ишлаб чиқариш қурилиши учун мўлжалланаётган жами инвестицияларнинг қарийб тўртдан уч қисмини янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, реконструкция ва модернизация қилиш учун йўналтирилади.

Дарҳақиқат, мазкур дастурнинг мамлакатимиз иқтисодий тармоқларининг барқарор ўсишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Унинг биргина янги корхоналарни ташкил этиш, фаолият

²⁹ Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи. 2013 йил 21 январь.

юритаётганларни инновацион техник ва технологик жиҳатдан модернизация ва реконструкция қилиш бўйича йирик лойиҳалар йўналишининг қамрови, шунингдек ушбу лойиҳалар доирасида ишлаб чиқаришнинг диверсификациялашув даражасининг ошиб бориши фикримизга яққол далил бўла олади. Хусусан, биргина 2013 йилнинг ўзида 115 та объект ва ишлаб чиқариш қувватлари топширилади ва унда 8754 ишчи ўрин яратилади (8-жадвал).

8-жадвал

2013 йилда фойдаланишга топшириладиган янги объект ҳамда модернизация ва реконструкция қилинадиган ишлаб чиқариш қувватлари

№	Тармоқлар ва соҳалар	Фойдаланишга топшириладиган объект ва ишлаб чиқариш қувватлари сони	Яратиладиган ишчи ўрин, киши
1	Нефть-газ саноати	6	244
2	Энергетика саноати	9	40
3	Тоғ-металлургия саноати	10	446
4	Кимё саноати	3	944
5	Металл ва металлни қайта ишлаш саноати	4	114
6	Кўмир ишлаб чиқариш саноати	2	180
7	Автомобилсозлик саноати	13	283
8	Электротехника саноати	6	279
9	Қурилиш материаллари саноати	10	1356
10	Енгил саноат	9	2210
11	Чарм пойабзал саноати	2	98
12	Озиқ-овқат саноати	15	705
13	Фармацевтика саноати	14	860
14	Транспорт соҳаси	6	92
15	Бошқа соҳалар	6	698
	Жами	115	8549

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.

Ушбу лойиҳалар асосан нефть-газ, кимё, машинасозлик, тўқимачилик ва фармацевтика тармоқларига тегишли бўлиб, унда янги корхоналар ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, кенгайтириш, модернизация ва реконструкция қилиш асосида рақобатбардош, импорт

ўрнини босувчи маҳаллий ҳамда сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш ва унда истеъмол товарларини тайёрлаш, энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган.

Юқорида келтирилган лойиҳалар билан бир каторда бугунги кунда мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоқларида янги объектларни қуриш ва модернизация қилиш бўйича йирик лойиҳалар давом эттирилмоқда. Улар қуйидагилардан иборат:

- Устюрт газ-кимё мажмуаси ва уни ташқи энергия таъминотини ташкил этиш билан боғлиқ лойиҳалар;

- “Шўртан газ кимё мажмуаси”да тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш (синтетик суюқ ёқилғи – суюлтирилган газ, авиакеросин ва “премиум класс” тоифасидаги, яъни евро-4 стандартидан кам бўлмаган дизель ёқилғиси) бўйича лойиҳалар;

- “Таллимаржон иссиқлик электр станцияси”да умумий қуввати 900 мегавольт бўлган иккита буғ-газ қурилмаси, Тошкент иссиқлик электр станциясида қуввати 370 мегавольтни ташкил этадиган буғ-газ қурилмасини, “Ангрен иссиқлик электр станцияси”да қуввати 130-150 мегавольтдан иборат энергоблокни, Фарғона водийсида янги энергетика қувватларини барпо этиш, Сирдарё ва Янги Ангрен иссиқлик электр станцияларини бир-бири билан боғлайдиган юқори вольтли электр узатиш тармоғини қуриш билан боғлиқ лойиҳалар;

- Қўнғирот сода заводининг иккинчи навбати бўйича лойиҳалар;

- Қамчиқ довонида автомобиль йўли участкаларида реконструкция ишлари, шунингдек, қатор кўприк ва йўлўтказгичларни барпо этиш билан боғлиқ лойиҳалар;

- “Мароқанд – Қарши”, “Қарши – Термиз” темир йўл участкаларини электрлаштириш ва ҳаракатланадиган таркибни модернизация қилиш билан боғлиқ лойиҳалар;

- “Навоий” ЭИИЗ ва “Ангрен” МИЗ ҳудудларида амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар ва бошқалар.

9-жадвал

2012 йилда ишга туширилган 2013 йилда амалга оширилиши кутилаётган йирик лойиҳалар

№	Лойиҳа номи	Лойиҳа қуввати	Умумий қиймати (млн. долл.)
2012 йилда яқунланган йирик лойиҳалар			
“Ўзбекнефтегаз” МХК			
1	"Шуртаннефтегаз» негизда пропан-бутан аралашмаси қурилмасини барпо этиш (5 навбати)	50,0 минг тонна	74,2
“Ўзбекэнерго” ДАК			
2	Навоий ИЭС негизда буғ-газ қурилмасини барпо этиш	478 МВт	529,78
“Ўзкимёсаноат” ДАК			
3	Навоий вилоятида техник кремний ишлаб чиқариш нишга қилиш (1 босқич)	12,0 минг тонна	19,04
“Ўзавтосаноат” АК			
4	Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва компонентларини ишлаб чиқарувчи янги комплексни барпо этиш (II босқич)	3,0 минг дона	29,38
2013 йилда яқунланиши мўлжалланган йирик лойиҳалар			
“Ўзбекнефтегаз” МХК			
1	Мавжуд ДКС -1,2,3,4 ўрнига Газли сиқувчи компрессор станциясини барпо этиш	16 дан 25 МВтгача ошириш	261,13
“Ўзбекэнерго” ДАК			
2	«Тошкент ИЭС» ОАЖ негизда когенерацион буғ-газ технологиясини жорий этиш	27 МВт	62,99
“Ўзкимёсаноат” ДАК			
3	Дехқонобод калий ўғит заводида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш (2 босқич)	200,0 минг тоннадан 600,0 минг тоннагача ошириш	254,8
“Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК			
4	Жиззах-Янгиер икки йўналишли электрификация қилинган темир йўл линиясини барпо этиш (1 босқич)	187 км	320,74

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари

Инвестиция дастурини амалга оширишда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тобора муҳим ўрин тутмоқда. 2013 йилда фақат

Жамғарма маблағлари ҳисобидан қиймати 780 миллион долларлик 34 тадан ортиқ муҳим лойиҳа, биринчи навбатда, хорижий шериклар билан ҳамкорликда барпо этилаётган объектларни молиялаштириш режалаштирилмоқда.

Шунингдек иқтисодиёт етакчи тармоқларини модернизация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Дастурига асосан, саноат соҳасида умумий қиймати қарийб 50 млрд. АҚШ доллари миқдоридagi 500 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Беш йил ичида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини камида 60 фоизга ошириш, яъни ички маҳсулотда саноатнинг улушини 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга кўпайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Бу борада машинасозлик, автомобилсозлик, кимё, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳисобидан ушбу тармоқларда икки баробардан зиёд ўсишга эришилади.

Республикада саноат корхоналарида инвестициявий фаолиятни ошириш учун инвестициявий сиёсатни тўғри амалга ошириш жуда муҳим. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Иқтисодиётнинг устувор соҳаларини молиялаштиришда хориждан тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш ҳамда давлат кафолати остида линган кредитларни фақат узоқ муддатларга, яъни 20 йилдан 40 йилгача, имтиёзли ставкаларда, хусусан 0,5-2 фоизгача бўлган ставкаларда жалб қилиш;

- Инвестицияларни асосан импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришга,

иқтисодиётни модернизациялаш ва том маънода унинг диверсификация даражасини ошириш туфайли янги иш ўринларини яратишга сафарбар этиш;

- Импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган Маҳаллийлаштириш дастурини жадал суръатларда ривожлантириш.

Ушбу вазифаларни амалга оширилиши Ўзбекистонда инвестицион фаолликни янада жадаллашувига ва саноатни ривожланишига ўз хиссасини қўшади.

3-боб бўйича хулоса

Республикада хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ҳуқуқий база яратилди, инвестицияларни жалб қилиш ва хорижий инвесторларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма барпо қилинди ва бу жараён такомиллашиб бормоқда.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни катта. Ривожланган давлатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи мустақил омиллардан бири бўлган.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технология асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фарматевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга катта эътибор берилмоқда.

Республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

2. Инвестиция лойиҳаларини малали экспертлар назоратидан ўтказиш ва мукамал тайёрланишга эришиш;

3. Қўшма корхоналар ва хорижий инвестиция иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдаги тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш.

Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни миллий корхоналарга жалб этишда қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб олинган:

- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш;

- Минерал хомашё ресурсларини, шу жумладан, нефт ва газни қазиб чиқариш, қайта ишлаш бўйича экологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

- Транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш;

- Иқтисодиётнинг барча тармоқларига илм талаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

- Туризм соҳасини ривожлантириш, халқаро ва ички туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратишга эришиш.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Бугунги кунда мамлакатмизда хорижий инвестицияларни жалб қилишни давлат томонидан тартибга солиш соҳасида анча муваффақиятларга эришилди. Инвестиция фаолиятининг эркинлиги ва ривожланишини таъминлаш мақсадида унинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш учун “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларнинг жалб қилишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда 2007 йил 4 январда ПҚ-554-сонли “Инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар хорижий инвестицияларни жалб қилиш, хорижий шериклар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва мамлакатда инвестицион фаолликни оширишни рағбатлантиришга йўналтирилган.

Мамлакатимизда инвестиция соҳасини ҳуқуқий тартибга солувчи “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонун йигирма иккита моддадан иборат бўлиб, унинг ўнинчи моддасида чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари алоҳида белгилаб қўйилган.

Чет эллик инвесторлар халқаро ҳуқуқ принциплари ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Инвестицияларни амалга оширишнинг ҳажмлари, турлари ва йўналишларини мустақил белгилаш;
- Инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;

- Ўзининг инвестицияларига ва инвестиция фаолиятининг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш. Чет эллик инвесторнинг қарорига биноан инвестицияларга, уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Ҳуқуқлар бошқа шахсга берилганда тарафларнинг ўзаро муносабатлари шартномалар асосида тартибга солинади;

- Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолияти натижасида олинган ўзига қарашли ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат наъмуналарини чет элларда ва Ўзбекистон Республикасида патентлаштириш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қилиш;

- Инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадни мустақил ва эркин тасарруф этиш (шу жумладан уни монеликсиз репатрация қилиш);

- Ўзбекистон Республикасига кредитлар ва қарзлар тариқасида пул маблағлари жалб этиш;

- Ўз ҳисобварағидаги миллий валюта маблағларидан ички валюта бозорида чет эт валютасини сотиб оилш учун фойдаланиш;

- Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва шартларда ер участкаларига доир ҳуқуқларни сотиб олиш;

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўзига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлган мол-мулк ва ва ҳар қандай мулкый ҳуқуқлардан зиммага олган мажбуриятларнинг, шу жумладан қарз маблағларини жалб этишга қаратилган мажбуриятларнинг барча турлари бўйича таъмин сифатида фойдаланиш;

- Ўз инвестициялари ва бошқа активлари реквизиция қилинган тақдирда мутаносиб равишда товон олиш;

- Давлат бошқарув органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний

ҳаракатлари (ҳаракацизлиги) ҳамда қарорлари натижасида етказилган зарарларни ундириш.

Чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни амалга оширишда биринчи навбатда хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳукумат ташқи иқтисодий фаолиятини диққат марказида бўлди. Хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда ҳукумат қуйидаги тамойилларга асосланади:

- Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;
- Республика иқтисодиётига бевосита сапитал маблағини кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;
- Республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган ва иқтисодиётнинг замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий инвесторларга нисбатан очик эшиклар сиёсатини юргизиш;
- Маблағни Республика мустақиллигини таъминлайдиган, импорт ўрнини қопловчи ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишда жамлаш.

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши инвестицияларни узлуксиз амалга оширишни талаб қилади. Шу боис инвестицияларни, хусусан хорижий инвестицияларни устувор инвестицион лойиҳаларга жалб қилишга алоҳида эътибор берилади.

Иқтисодиётда устувор тармоқларни ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва имкониятдан самарали фойдаланишга, турли хил рискларни, мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда бойликларни самарали жойлаштиришга ва шу йўл билан республика иқтисодиётини кўтаришга, унинг жаҳон иқтисодий

тизимига қўшилишига, чет эл инвестицияларининг кириб келишини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни, кўпроқ иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция сиёсатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

- Таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш;
- Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш;
- Техник ва технологияларни асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш;
- Текник ва технологик қайта жиҳозлаш;
- Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш;
- Чет эл инвестицияларни кенг жалб қилиш;
- Хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратиш;
- Инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини комплект ва жадал равишда ривожлантириш;
- Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни жиҳозлаш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни салоҳиятини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш.

Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит шакллантиришда хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан белгиланган кенг қўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими бозор иқтисодиёти ривожлана бориши билан такомиллаштирилиб боришмоқда. Бу эса ўз навбатида, мамлакат ички инвестиция салоҳиятининг юксалишини ва хорижий инвестициялар оқимининг йилдан-йилга ортиб боришини, шунга мос равишда макроиқтисодий кўрсаткичлар, шу жумладан, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ҳам ўсиб боришини таъминламоқда.

Юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлашда хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улушини янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга катта имтиёзлар берилмоқда.

Мамлакатимизда инвестицион муҳитнинг жозибадорлиги натижасида инвесторлар иқтисодиётимизни ривожлантириш учун кўплаб миқдорда сармоя киритмоқдалар. Мамлакат иқтисодиётига инвестициялар киритилар экан, инвестициялардан самарали фойдаланиш учун уларнинг йўналиши ва тақсимланишини тўғри ташкил этиш ва шу асосда тартибга солиш йўллари излаб топиш масаласи юзага келади. Бундан кўринадик, ташқи инвестицияларни, шу жумладан чет эл сармоясини кенг қўламда жалб қилиш ҳозирги миллий иқтисодиёт таркибини қайта қуриш мақсадларига эришишнинг зарур шarti бўлиб, киритилган инвестициялардан фойдаланишни тўғри ташкил қилиш ва тартибга солиш фойдаланилаётган инвестициялар самарадорлигини оширишнинг асосий мезонларидан бири сифатида намоён бўлади. Кейинги вазифа инвестицион жараёнлар бошқарувини тўғри ташкил этишдан иборат бўлиб, бу соҳада ижобий ишлар амалга оширилган бўлсада, ҳал этиши лозим бўлган бир қатор вазифалар мавжуд. Жумладан:

- Киритилаётган инвестицияларни диверсификациялаш яъни киритилаётган инвестицияларни тармоқлараро тўғри тақсимланишини асослаш;
- Инвестицияларни тармоқлараро (корхоналараро) тақсимланишида аниқ илмий асосда чегаравий миқдорларни (қуйи ва юқори чегаралари) белгилаш. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, барча жараёнларни чегараси

бўлгани каби, хорижий инвестициялардан фойдаланишнинг ҳам чегараси мавжуд бўлиб, бу ҳозирги мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва янги техника-технология билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган жамғармалар ташкил топган бир даврда уларнинг йўналиши ҳамда тақсимланишини тўғри ташкил қилишни тақозо этади. Бу эса, барча ресурсларнинг чегараланганлигини эътиборга оладиган бўлсак, киритилаётган инвестицияларни ҳам фойдали бўлишини таъминлайди;

- Жалб қилинган инвестицияларнинг иқтисодий тармоқлараро (корхоналараро) оптимал тақсимланишини йўлга қўйиш;

- Инвестициялардан самарали фойдаланиш самарадорлигини оширишда юзага келадиган хатарлилик ва таваккалчилик даражаларини аниқ илмий ҳисобини аниқлаш;

- Иқтисодиёт тармоқларига тақсимланаётган инвестицияларнинг эконометрик ва иқтисодий математик моделлар тизимини ишлаб чиқиш;

- Ишлаб чиқилган эконометрик ва иқтисодий-математик моделлар асосида республикамизга жалб қилинадиган инвестицияларнинг келажакдаги ҳажмини прогноз қилиш ҳамда тармоқлараро тақсимланишини белгилаш;

- Инвестициялар тақсимланишини кўп вариантли сценарийли ечимларини махсус компьютер дастурлари (LPX, Mathcad, PER, Ewiev, Statistica) асосида оптимал режаларини ҳисоблаб чиқиш ва уларга асосан самарали хўжалик қарорларини қабул қилиш;

- Республика миллий иқтисодиётида инвестицияларнинг тармоқлараро тақсимланишининг мавжуд усуллари замонавий эконометрик ва иқтисодий-математик моделлаштириш воситалари асосида такомиллаштириш.

Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни миллий корхоналарга жалб этишда қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб олинган:

- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш;

- Минерал хомашё ресурсларини, шу жумладан, нефт ва газни қазиб чиқариш, қайта ишлаш бўйича экологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- Транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш;
- Иқтисодиётнинг барча тармоқларига илм талаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- Туризм соҳасини ривожлантириш, халқаро ва ички туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратишга эришиш.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида иқтисодий ўсишни жадаллаштириш учун инвестиция ҳажмини кескин кўпайтириш лозим. Инвестицияларни самарали ташкил этиш ва молиялаштирилишида ҳали ҳал қилиниши зарур бўлган қатор вазифалар борки, улар мавжуд қонун ҳужжатлардан тўғри фойдаланадиган ва умуман инвестициялардан тўғри фойдаланиш бўйича кадрларни тайёрлаш улар малакасини мунтазам оширишни талаб қилмоқда.

Шунингдек республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ўйлаймиз:

1. Инвестиция лойиҳаларини малакали экспертлар назоратидан ўтказиш ва мукамал тайёрланишга эришиш;
2. Қўшма корхоналар ва хорижий инвестиция иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдаги тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги 1998 йил 24 декабрдаги Қонуни. № 719-1 Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1998.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги 2003 йил 11 декабрдаги Қонуни. //”Солиқлар ва божхона хабарлари” газетаси, 2004 йил 10 февраль.
6. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳрири. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 12 декабр 52/1-сон.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 мартдаги "Жиззах" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги «Ангрен махсус индустриал зонани барпо этиш тўғрисида»ги Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилга мўлжалланган инвестицион

дастури тўғрисида”ги 1855-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида” Фармони 04.12.2008

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли Қарори.

13. “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ–1442–сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори 2007 йил 4 январ.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони 2005 йил 11 апрел.

17. 2013 йил 2 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Жиззах" махсус индустриал зонаси ҳудудида юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

18. И.А. Каримов. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислохотлар ва

модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

19. И.А.Каримов. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. “Халқ сўзи” газетаси, 20 январ 2012 йил.

20. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” //Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

21. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. //Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

22. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

23. И.А.Каримов «Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир». -Т.: Халқ сўзи, 14-Феврал, 2008 йил.

IV. Асосий адабиётлар

24. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – “Ўқитувчи” НМИУ, 2012. – 282 б.

26. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт. – 2011.

27. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма – Т.: Иқтисодиёт. - 2010.

28. N.N. Imomov. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish.//Т.:ТДИУ, 2011.

29. А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажигакиев, Н.Г.Муминов “Хорижий инвестициялар”. -Т “Молия”, 2010 й.

30. Ё.К.Қориева, И.У.Нематов “Хорижий инвестициялар” фани бўйича таълим технологияси. /“Иқтисодий таълимдаги ўқитиш технологияси” сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2008.

31. Инвестиции: учеб. /А.Ю. Андрианов, СВ. Валдайцев, П.В. Воробьев и др. -2-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. - 584 с.

32. Б.Зи, К.Алекс, М.Алан. Принципы инвестиций, 4-е издание: Пер с англ. «Вильямс», 2008. – 984 с.

33. Шарп У., Александр Г., Бейли Дж. Инвестиции: Пер.с англ. – М.:ИНФРА-М, 2003 .-XII.

34. Аладьин В.В. Инвестиционная деятельность субъектов Российской Федерации./В.В. Аладьин.-М:Социум, 2002.

35. Xasbulatov R.I. Mirovaya ekonomika: В 2-х т. Т.I.-М.:Izdelstvo “Ekonomika”, 2002.

V. Қўшимча адабиётлар

36. Миллий иқтисодиётни инновациялар асосида ривожлантиришнинг институционал муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами (2012 йил 25 апрель). – Т.: ТДИУ, 2012. -284 бет.

37. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б.

38. Царев В.В. Оценка экономической эффективности инвестиций. – СПб.: Питер, 2008. - 482 с.

39. Шевчук Д.А. Организация и финансирование инвестиций. Ростов н/Д.: Феникс, 2008. – 272 с.

40. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2007.

41. Ваҳобов А. ва бошқалар. Халқаро молия муносабатлари: Дарслик. – Т.: «Шарқ», 2003.

42. Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2003. 29 б.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

43. Мадрахимов У. Иқтисодий ўсишга омиллар самарадорлигининг таъсири. “Бозор, пул ва кредит”/07 (182), 2012 й.

44. Аҳмедов И. Саноат тармоқларига йўналтирилаётган сармоялар иқтисодий барқарорлик ва фаровон турмуш кафолатидир. “Халқ сўзи” газетаси. 2012 йил 15 февраль, № 32 (5706).

45. Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари. //Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон, 38-б.

46. Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2011 й., 5-сон.

47. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

48. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномалари.

VII. Интернет сайтлар

49. www.gov.uz

50. www.press-service.uz

51. www.mfer.uz

52. www.UzA.Uz.

53. www.review.uz

54. www.cer.uz

55. www.mfa.uz

56. [http:// www.stat.uz](http://www.stat.uz).

ИЛОВАЛАР

1-жадвал**ЯИМнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби, (фоиз ҳисобида)**

Йўналишлар	1991	1995	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
ЯИМ жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Истеъмол	77,0	72,9	83,4	67,1	66,0	63,8	64,6	65,8	70,0	65,7	68,0
Ялпи жамғариш	26,8	24,2	15,9	23,0	24,8	22,6	31,0	28,8	20,4	26,5	28,9
Соф экспорт	-3,8	2,9	0,7	9,7	9,1	13,6	4,4	5,4	9,6	7,8	3,1

2-жадвал**ЯИМнинг тармоқ таркиби, (фоиз ҳисобида)**

	1991	1995	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Иқтисодиёт жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Саноат	26,3	17,1	14,2	20,7	22,1	24,0	22,3	23,6	24,0	24,0	24,0
Қишлоқ хўжалиги	37,4	28,1	30,1	25,0	24,1	21,7	19,4	18,2	17,5	17,6	17,5
Қурилиш	10,4	7,1	6,0	4,9	5,1	5,5	5,6	7,4	6,4	6,1	5,9
Хизматлар	26,2	34,6	37,2	38,4	39,5	39,3	43,3	44,1	45,1	44,5	44,9
Соф эгри солиқлар	-0,3	13,1	12,5	11,0	9,2	9,5	9,7	6,7	7,0	7,8	7,7

3-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилда ривожлантиришнинг
макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози (олдинги йилга нисбатан
фоизда)**

Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	108,2	108,0
Саноат маҳсулотлари чиқариш	107,7	108,4
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	107,0	106,0
Капитал қуйилмалар ҳажми	111,6	109,3
Чакана савдо айланмаси	113,9	113,8
Хизмат кўрсатиш ҳажми	114,2	116,0
Истеъмол нархлари индекси	107,0	107-109
Давлат бюджети камомоди (ЯИМга нисбатан фоизда)	+0,4	-1,0
Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси (йиллик)	12	12

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013 йилга асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида”ги ПҚ-1887 сонли қарори, 2012 йил 25 декабрь.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида саноат ривожланишининг 2011-2015
йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари³⁰

	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Саноатнинг ЯИМ даги салмоғи (фоиз ҳисобида)	23,9	24,1	24,8	25,8	26,8	28,0
Тайёр маҳсулотнинг саноат маҳсулотлари умумий ҳажмидаги салмоғи, %	50,6	51,7	53,6	56,2	58,7	61,2
Саноатга киритиладиган инвестициялар ҳажми, млн. АҚШ доллари	2 668,9	3 207,9	3 923,9	4 891,1	6 118,9	7 531,6
Саноат маҳсулоти экспортининг саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмидаги салмоғи, %	38,0	42,3	46,1	51,8	58,0	63,2
Умумий экспорт таркибида саноат маҳсулоти экспортининг улуши, %	51,1	61,7	62,5	65,3	69,7	71,8

5-жадвал

Асосий турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнози


№	Саноат маҳсулотлари турлари	Ўлчов бирлиги	2012	2013 (прогноз)	2014 (прогноз)	2015 (прогноз)
1	Енгил автомобиллар	минг дона	235,5	245,0	250,0	260,0
2	Автобус ва юк автомобиллари	минг дона	3,7	3,0	3,1	3,2
3	Кучли ток кабеллари	минг км	13,6	13,5	14,0	14,5
4	Музлаткичлар	минг дона	17,8	90,0	95,0	110,0
5	Телевизорлар	минг дона	26,7	105,0	109,0	112,5
6	Энергия тежовчи чироқлар	минг дона	2007,6	28400,0	28700,0	28870,0
7	Калий ўғитлари	минг тонна	125,3	200,0	300,0	450,0
8	Калцийланган сода	минг тонна	92,0	100,0	100,0	100,0
9	Қурилиш ойнаси	минг кв.м.	13051,4	12140,0	12530,0	13000,0
10	Керамик плиталар	минг кв.м.	4350,0	3800,0	4500,0	5800,0
11	Пахтадан ип-калава	минг тонна	140,6	345,6	435,2	524,0
12	Тайёр газмоллар	млн.кв.м.	56,4	241,4	268,2	304,0
13	Трикотаж буюмлар	млн.дона	64,6	132,7	162,3	241,3
14	Пайпоқлар	млн.жуфт	3,2	30,2	42,1	48,0

Изоҳ: Прогноз кўрсаткичлари “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Дастур параметрларидан олинган.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги №ПҚ-1442 сонли Қарори.

Ўзбекистонда иқтисодийнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари, фоизда

Кўрсаткич	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Саноат ишлаб чиқариши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	14,2



1-расм. Ўзбекистоннинг ташқи савдо кўрсаткичлари динамикаси, млрд.долл.³¹

³¹ Қуйидаги манбалар асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 60-б; http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

7-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг экспорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда³²

Экспорт таркиби	1990 йил	2000 йил	2011 йил	2012 йил
Пахта толаси	59,7	27,5	9,0	9,6
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	5,4	13,2	6,7
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	2,3	2,9	5,6	5,8
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	17,1	10,3	18,5	37,4
Қора ва рангли металллар	4,6	6,6	7,4	8,0
Машина ва ускуналар	1,7	3,4	6,7	7,0
Хизматлар	1,3	13,7	11,8	17,6
Бошқалар	9,4	30,2	27,8	7,9

8-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг импорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда³³

Импорт таркиби	1990 йил	2000 йил	2011 йил	2012 йил
Машина ва ускуналар	12,1	35,4	41,3	45,4
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	9,7	13,6	13,3	14,4
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	3,1	3,8	8,1	7,3
Қора ва рангли металллар	10,2	8,6	8,1	7,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари	48,9	12,3	12,4	9,9
Хизматлар	1,5	8,5	5,3	6,1
Бошқалар	14,5	17,8	11,5	9,1

³² Манба: http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

³³ Қуйидаги манбалар асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 60-б; http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/